

# Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!

Mustaqillik huquq demakdir

# Нидо



ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ БОШ  
ПРОКУРАТУРАСИНИНГ  
НАШРИ

1997-йил 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2015-йил 20-avgust, №33 (970)

Ким эдигу, ким бўлдиқ

Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида навқирон авлодни ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар этиб вояга етказиш, уларга пухта билим бериш масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.



## Барчаси ўқувчилар учун

2015/2016 ўқув йилига ҳам мамлакатимизда пухта ҳозирлик кўрилди. Мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий ўқув-услубий воситалар, компьютер, мебель жиҳозлари билан таъминлаш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Хабар берилишича, янги ўқув йили арафасида мамлакатимизда ота-оналарга қўлайлик яратиш мақсадида 10 августдан 10 сентябрга қадар фаолият кўрсатадиган 1876 та мактаб ярмаркаси ташкил этилган. Жумладан, йирик савдо мажмуалари, бозорлар, 970 та умумтаълим мактабида ярмаркалар ўтказилмоқда. Тогли ва чўл ҳудудларида юзга яқин автодўкон хизмат кўрсатмоқда. Уларда 26 турдаги ўқув қуроллари ва жиҳозлари сотуви ташкил этилган. Улар-

нинг аксарияти мамлакатимизда ишлаб чиқарилган бўлиб, асосий турдаги маҳсулотларни аниқланган эҳтиёж асосида мутасадди компания ва ташкилотлар етказиб бермоқда.

Аҳоли гавжум жойларда ташкил этилаётган бундай "Мактаб бозори"ларида янги ўқув йили учун турли ўқув қуроллари, мактаб формаси ва кийим-кечакларни харид қилиш мумкин.

Президентимизнинг 2009 йил 20 ноябрдаги "Республика истеъмол бозорини айрим мактаб буюмлари билан тўлдиришга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида"ги Қарори хориждан миллий менталитетимизга зид бўлган турли ёзув дафтарлари кириб келишининг олдини олиш, ўқувчи ва талабаларни миллий маънавиятимиз ва қадр-

ятларимизга мос сифатли ёзув дафтарлари билан таъминлашни такомиллаштириш, полиграфия корхоналарини техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун қўлай шарт-шароитлар яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маҳаллий ҳокимликлар Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда савдоси ташкил этилаётган маҳсулотларнинг амалдаги стандартларга жавоб бериши ҳамда сифатини назорат қилаётди. Маҳсулотлар нархи сунъий тарзда ошиб кетишининг олдини олиш ва ярмаркаларда тўлов терминллари узуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида маҳаллий ҳокимликлар ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан доимий назорат йўлга қўйилган.

## Дориломон кунлар шукӯҳи

Пахта яккахокимлиги ҳукм сурган тоталитар тузум даврида юртимиз иқтисодийёти ҳар томонлама қарам қилиб кўйилган эди. Саноат ривожланмаган, хомашёни билрамчи қайта ишловчи, асосан калава ип тайёрловчи тўқимачилик, қазиб олувчи тоғкон, минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи кимё корхоналарига барча ускуналар, мукамал ва жорий таъмирлаш учун бутловчи қисм ва жиҳозлар четдан, собиқ иттифоқдаги ўнлаб корхоналардан келтирилди. Мамлакатимиз раҳбариятининг ушбу алоқаларни сақлаб қолиш йўлидаги саъй-ҳаракатларига қарамай, таъминот издан чиқиб, корхоналар ишлаб чиқаришни қисқартиришга ёки бутунлай тўхтатишга мажбур бўлишганди. Хусусан, Фарғона шаҳридаги "Азот" ишлаб чиқариш бирлашмасининг Россия Федерациясидан келтириладиган хомашё — целлюлозани қайта ишлаб сунъий тола хомашёсини етказиб берувчи Триацетатцеллюлоза корхонасининг, унга боғлиқ Сунъий тола ишлаб чиқариш корхонасининг фаолияти тўхтаганди. Ҳукуматимизнинг қарори билан Фарғонада ўзимиздаги мавжуд хомашёдан целлюлоза ишлаб чиқарувчи корхона барпо этилди. Триацетатцеллюлоза корхонасида ишлаб чиқариш қайта изга солинди.

Президентимиз илгари сурган беш тамойил асосида амалга оширилаётган ислохотлар, бозор иқтисодийётини шакллантириш жараёнида қўлай инвестиция муҳити яратилди. Алмисоқдан қолган дастгоҳларда калава ип ишлаб чиқарган Фарғона Тўқимачилик комбинати ўрнида Жанубий Корея Республикаси билан ҳамкорликда янги, замонавий юқори самарали технология асосида жиҳозланган "Кобул текстил" қўшма корхонаси қурилиб, ишга туширилди. Сармоя киритиш, инвестиция учун яратилган имтиёзлар, қўлай шарт-шароитлар натижасида шаҳарларимизда, туманларда нафақат калава ип, тайёр газлама, кийим-кечаклар ишлаб чиқараётган, балки хорижга экспорт қилаётган янги-янги корхоналар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бутунлай янги автомобилсозлик саноатига асос солинди. Бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи ўнлаб катта-кичик корхоналар, шу жумладан, Фарғона шаҳрида "Автоойна", автомобил гилдракларига дискларни тайёрловчи корхоналар ишга туширилди. Бугун кўчаларимизни тўлдирган, узоғимизни яқин қилаётган, ўзимизда ишлаб чиқарилган турли русумли енгил автомобиллар, юк машиналари, автобуслар мамлакатимизнинг тобора юксалиб бораётган иқтисодий салоҳиятини намоян қилмоқда.

/Давоми 7-бетда/

## Тараққиётга йўналтирилган ташаббуслар

Кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодийётида кузатилаётган барқарор ривожланиш суръатлари, хусусан, ялпи ички маҳсулот ҳажмининг тобора ўсиб бораётгани, жаҳон иқтисодийётида мустаҳкам ва асосли ўрнинизга эга бўлаётганимиз ҳар биримизда фахр туйғусини уйғотаяпти.

Дарҳақиқат, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг ўзимизга хос ва мос йўли — изчил олиб борилаётган оқилона ислохотлар эришган муваффақиятларимизда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Халқаро экспертларнинг эътирофича, иқтисодий юксалишининг яна бир муҳим омилли бор. У ҳам бўлса, кичик бизнес ривожига давлат сиёсати даражасида жиддий эътибор қаратиш, соҳага қўллаб имтиёзлар бериш, ривожланиши йўлидаги тўсиқларни олиб ташлашдир. Юртимизда айнан шундай сиёсат юритилгани боис, та-

рихан қисқа давр ичида ушбу ҳаракат қудратли кучга айланиб, ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлашда асосий таянч сифатида намоён бўлмоқда.

Маълумот ўрнида шунини алоҳида қайд этиш керакки, юртимизда хусусий тадбиркорлик дастлаб савдо-сотик, хизмат кўрсатиш ва алоқа соҳаларида, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш борасида ривожланган бўлса, бугунги кунда у кириб бормаган жабҳа деярли қолмади. Илғор илм-фан утуқларига асосланган саноат тармоқлари дейсизми, фармако-

логия ва фармацевтика ёки ахборот-коммуникация тизими, қурилиш жабҳаси бўлади-ми, буларнинг барчасида кичик бизнес субъектлари самарали фаолият юритиб, ички бозорни рақобатбардош маҳсулотларга тўлдирishi билан бирга, аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда.

Тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини химоя қилишга доир қонунчиликни мустаҳкамлаш, уларнинг фаолиятига асоссиз аралашувларни, солиқ юкнини, турли хилдаги ружхотна ва ҳисобот турларини камайтиришга қаратилган бир қатор қонунлар ижроси прокуратура органлари назоратида бўлиб, Андижон вилоят прокуратураси органлари томонидан ҳам бу борада муайян ишлар ташкил этилган.

Соҳага доир қонунлар тарғиботи, унинг мазмун-моҳиятини тадбиркорларга, шунингдек, аҳолининг барча қатламига тушунтириш мақсадида вилоят прокуратурасининг ташаббуси билан шаҳар ва туманларда, маҳаллаларда тадбиркорлар билан юзма-юз мулоқотлар ўтказилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 13693 нафар тадбиркор ҳамда 4671 нафар фермер иштирокида 216 маротаба учрашув ташкиллаштирилди.

Албатта, бундай тадбирлар бесамаж кетмади. Унда иштирок этган тадбиркор ва фермерларнинг 18 нафарига 577 млн. сўм кредит ажратилди. 3 нафар тадбиркорга 0,23 гектар ер майдон ажратилди, 61 нафарининг ружхотна бериш ёки бошқа ҳужжатларини расмийлаштириш масаласи ҳал этилиб, 1361 нафарига ҳуқуқий

Музаффар ЭГАМБЕРДИЕВ,  
Андижон вилоят прокурори

маслаҳат берилди ҳамда 128 нафарлиги бошқача тарздаги амалий ёрдамлар кўрсатилди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида худудий прокурорларнинг ташаббуси билан қишлоқ жойларида 1221 та тадбиркорлик субъекти, жумладан, 391 та савдо дўкони, 7 та умумий овуқталар, 189 та кийим тиқиш ва таъмирлаш, 10 та пойфазал тиқиш ва таъмирлаш, 10 та суратхона, 36 та автомобил ва бошқа техникаларни таъмирлаш корхоналари, 25 та сартарошхона, 553 та бошқа турдаги савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари янгидан бунёд этилди. Натижада 1664 та янги иш ўрни яратилди.

/Давоми 4-бетда/

# Чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш — ҳар биримизнинг бурчимиз

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ва Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитаси ҳамкорлигида чегаралар ҳудудларида яшовчи аҳоли ўртасида уларнинг ҳуқуқий маданиятини ҳамда сарҳадларимиз дахлсизлигини тўлақонли таъминлаш ва Ватан тақдирини ҳимоя қилувчи ҳимоя қилувчи кўмитаси масъул ходимлари, Янгийўл туман прокурори Х.Ахмедов ва туман ички ишлар бўлими бошлиғи Н.Сафаров ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар томонидан мустақиллигимиз шарофати билан мамлакатимизда иқтисодиёт, маънавий ва маърифий соҳаларда, суд-ҳуқуқ ва Куролли Кучлар тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилган ислохотлар ва эришилган ютуқлар, уларнинг амалдаги ифодаси, бундан ташқари, дунё эътироф этаяётган ривожланишнинг "Ўзбек модели" мазмун-моҳияти ҳақида ҳаётий мисоллар билан атрофликла тушунтиришлар берилди.

Шунингдек, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги, "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси

тўғрисида"ги, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги Қонунлар, шу жумладан, 2015 йил 11 август кунидан қучга кирган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун билан амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мазмун-моҳияти ҳусусида маълумотлар берилди.

Ўз навбатида, тадбирда айрим фуқароларимиз томонидан давлат чегараси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолатлари учраб турганлиги ва бундай қонунбузилиш ҳолатларига қонун доирасида ўз вақтида ва ўз ўрнида муносабат билдирилаётгани ҳам таъкидланди.

Мисол учун, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун қонуний кафолатлар, имтиёзлар ва кенг имкониятлар жорий қилинган бўлишига қарамай фуқаро Ханифа Халилова (исм-фамилияси ўзгартирилган)

ноқонуний тадбиркорлик фаолиятини юритишни мақсад қилиб, бир неча шахслар билан олдиндан жиний тил бириктириб, чегарани бузиб, қонунга хилоф равишда Қозоғистон Республикаси ҳудудидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига яширин айланма йўллар орқали товар-моддий бойликларни олиб ўтаётган вақтда чегарачи ҳарбий хизматчилар томонидан қўлга олинган.

Х.Халилова ва бошқа ҳуқуқбузарларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларида белгиланган жиний жавобгарлик ва жазо муқаррарлиги таъминланган.

Бундан ташқари, тадбирда чегара ҳудудига, фуқароларнинг кириши ва бўлишига вақтинча чеклов белгиланган жойларга кирганик ҳамда уларда яшаш қоидаларини бузганлик учун, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали белгиланган ўтказиш жойларидаги режими бузганлик учун, шунингдек, давлат чегарасида барпо этилган муҳандислик-техника иншо-

**Саидобит ЖУРАЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг матбуот хизмати бўйича катта ёрдамчиси

отларини ва тўсиқларни йўқ қилиб юбориш ёки уларга шикаст етказиш каби ҳуқуқбузарликлар учун қонунчилигимизда белгиланган жавобгарлик масалалари тўғрисида ҳам тушунтиришлар берилиб, қонун талабларига риоя этиш ва чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш учун ҳар бир фуқаро бурчли эканлиги алоҳида таъкидланди.

Хулоса қилиб айтганда, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, чегарани бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва уларнинг олдини олиш нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, балки ҳар биримизнинг зиммасидаги бурчимиздир. Бу ҳар биримиздан оғоҳлик ва ҳушёрликни, қонунбузилиш ҳолатларига берақиб бўлмаслик ва ҳуқуқбузарликларга қарши биргаликда курашишни талаб этади.

Республикада жиний даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро андозаларга мос тизим яратилиб, янада такомиллашган қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинмоқда. Соҳага оид халқаро битимлар ва миллий қонунчилик доирасида ўзаро ҳамкорлик жараёнларини амалга ошириш борасида мунтазам равишда хорижий давлатларнинг молиявий разведка бўлинмалари билан халқаро ҳамкорлик ва тажриба алмашиш амалга оширилмоқда.

## Халқаро ҳамкорлик мустақкамланмоқда

2015 йилнинг 27-31 июль кунлари Анталия шаҳрида Туркия Молия вазирлигининг Молиявий разведка бўлими (MASAK) томонидан "Жиний даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорлик ва тажриба алмашиш ривожлантириш" мавзусига бағишланган халқаро семинар ташкил этилди.

9 та давлат вакиллари, жумладан, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Покистон, Россия, АҚШ, Тожикистон, Туркменистон ва Туркия давлатлари делегациялари вакиллари қатнашган семинарда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Бош прокуратураси ҳузуридagi СВОЖДЛҚК департаменти вакиллари билан Ўзбекистон Республикаси делегацияси ҳам иштирок этди.

Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад халқаро миқёсда ваколатли идоралар ўртасида маълумот алмашуви борасида энг илғор амалиётларни қўриб чиқиш ва тажриба алмашиш ҳамда минтақа давлатларининг молиявий разведка бўлинмалари ўртасида ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришдан иборат бўлди. Шунингдек, тадбир давомида молиявий разведка бўлинмаларининг асосий вазифаларидан бири бўлган молиявий таҳлил жараёни ва бу борада минтақа давлатлари тажрибалари муҳокама қилинди. Бундан ташқари, амалиётда юз бераётган айрим муаммолар ҳамда молиявий разведка тизимида илғор ахборот технологияларидан фойдаланиш тажрибалари ўрганиб чиқилди.

Тадбирда молиявий разведка бўлинмалари фаолиятида замонавий ахборот технологияси имкониятларидан кенг фойдаланиш самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутуши алоҳида таъкидланди. Бу борада MASAK вакиллари ўз фаолияти давомида илғор технологиялардан фойдаланишга, шу билан бирга, ахборотлаштириш, тизимлаштириш ва маълумотларга ишлов бериш жараёни хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор бераётганликларини таъкидлаб ўтишди.

Семинарда шунингдек, жиний даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида ФАТФнинг тавсияларини ва БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Резолюцияларини давлатларнинг миллий қонунчилигига имплементация қилиш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Бу борада Ўзбекистон делегацияси томонидан ФАТФнинг янги тавсияларини миллий қонунчиликка мослаштириш борасида самарали ишлар амалга оширилганлиги ҳақида маъруза тақдим этилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 7 майдаги фармойиши билан Молиявий чораларни ишлаб чиқувчи гуруҳ (ФАТФ)-нинг янги тавсияларини ўрганиш ва миллий қонунчиликка татбиқ этиш бўйича Идораларо комиссия тўзилган. Ушбу комиссия доирасида ишчи гуруҳи томонидан Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳалари тайёрланиб, жиний даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида оид миллий қонунчилик ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартириш киритилаётганлиги, мазкур йўналишда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва мустақкамлаш мақсадида бир қатор хорижий давлатларнинг молиявий разведка тизимлари билан ўзаро ҳамкорлик ва маълумотлар алмашишуви юзасидан келишув ва меморандумлар тўзилганлиги айтиб ўтилди.

Семинар якуни бўйича иштирокчилар томонидан молиявий разведка бўлинмалари ўртасида халқаро ҳамкорлик ва тажриба алмашиш кенгайтириш самарали фаолият учун муҳим омил эканлиги таъкидланди.

## Кассага эмас, киссага

**Зоҳид ҚАРАЕВ,**  
Бўқа туман прокурори

Оила тинч, рўзғор бутун бўлиб, бировдан қарз бўлмасликка ҳеч нарса етмайди. Хотиржам ҳаёт кечирасан. Бўқалик О.Тўрақулова ҳам имкон даражасида шу ақидага амал қилиб келади. Шу сабабдан 2013 йилнинг икк ойларига уйига келиб, ўзини турмага эъланган янги назоратчиси, деб таништирган Улуғбек исми йигитни яхши кутиб олади.

Шунингдек, унинг "Бундан кейин тўловни фақат ўзимга тўлай-сиз. Муаммолар бўлмайди", деган гапи билан газ тўлови учун 117 минг сўм пул чиқариб берди. Ўз навбатида Улуғбек ҳам пулни олгач, унга қвитанция ёзиб берди.

Шу-шу Улуғбек ҳар уч-тўрт ойда уникига ташриф буюрадиган, бека ҳам унинг сўрови билан айтилган миқдордаги пулни берадиган бўлди. Бу ҳол 2014 йил март ойигача давом этди. Бунгача О.Тўрақулова ёқилган газ учун 1 миллион сўмдан кўпроқ миқдордаги мабғани Улуғбекка тўлаган эди. Шундан кейин нима учундир Улуғбек қўрқинмай қолди-ю, август ойининг ўрталарида бошқа бир назоратчи эшик қўқиб келди. У ўзини таништиргач, хонадоннинг табиий газдан 1 миллион 200 минг сўм қарзи борлигини айтган эди, бека аввалига унинг гапига пинагини ҳам бузмади. Ахир, тўловни пешма-пеш тўлаб келаётган, қўлида бу ҳақда қвитанциялари ҳам бўлса...

Янги назоратчи эса унинг гапларини эшитиб, масалга аниқлик киритиш учун тумангаз биносига боришни маслаҳат берди. Эртаси кунги тумангаз идорасига кириб келган О.Тўрақулова қўлидаги қвитанцияларни тақдим қилди. Бироқ, у ердагилар қвитанцияларни текшириб кўргач, тўловлар компьютерда акс этмаганини, аниқроғи, пуллар қабул қилинмаганлигини айтишган эди, унинг бошидан ҳуши учди. Бундан-да ҳайрон қоларли жиҳати, Улуғбек анча олдин ишдан бўшаб кетган экан.

О.Тўрақулова вақтни бой бермай Улуғбекни қидиришга киришди. Топгач, пулларини қайтаришни талаб қилди. Аммо Улуғбек: "Пуллариңизни ишлабтиб қўйдим, тез кунда қайтараман", дея уни сарсон қилишни бошлади. Кўндал пулларини қайтариб олишга қўзи етмаган О.Тўрақулова ахирги туман ИИБга ариза билан мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Дастлабки терговда аниқланишича, Улуғбек Облақулов фақат О.Тўрақуловани эмас, бошқаларни ҳам чўв туширган экан. У деярли худди шундай йўл билан бўқалик фуқаро М.Жўраевнинг 1 миллион 500 минг сўм, қўп ўтмай яна бир фуқаро А.Жўраевнинг 850 минг сўм пулини қўлга киритади. Бу ҳам етмагандек, унга тегишли расмий ҳужжат ҳисобланган табиий газ учун тўлов дафтарини олиб, қайтариб бермай йўқ қилиб юборади.

Бундан ташқари, 2014 йилнинг апрель ойида ишдан бўшатилган бўлишига қарамай, май ойида фуқаро Х.Ходжаевнинг уйига келиб, "табиий газ учун", дея унинг 270 минг сўм пулини олиб, ўз эҳтиёжларига сарфлайди.

Жиноят ишлари бўйича Бўқа туман суди айбдорга қилмишига яраша жазо тайинлади. Унга қўра, "кассани эмас, кассанини уйлаған" У.Облақулов ҳар ойлик иш ҳақининг 30 фоизини давлат ҳисобига ундириш шарти билан 3 йил муддат ахлоқ тузатиш ишлари билан шуғулланадиган бўлди.

Самарқанд вилоят ҳокимлигида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида вилоятни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва Президентимиз томонидан тасдиқланган 2015-2019 йилларда иқтисодий ёни янада ислоҳ қилиш, таркибий қайта ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурларини амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга бағишланган йилги бўлиб ўтди. Унда вилоят раҳбарлари, туман-шаҳар ҳокимлари, тегишли мутасадди ташкилотлар вакиллари ҳамда тадбиркорлар иштирок этишди. Йилги ишда вилоят прокурори Б.Деҳқонов сўзга чиқиб, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ҳимояси бўйича тизимли ишларни ташкил этиш борасида маъруза қилди.

**Д**авлатимиз раҳбари барча маърузаларида тадбиркорларга тўлиқ эркинлик бериш, уларга ғов бўлиб турган тўсиқларни олиб ташлаш муҳимлигини, зеро, мамлакатимиз истиқболнинг муҳим шарти бўлиши барқарор иқтисодий ўсиш кўп жиҳатдан шу вазифани ҳал этишга боғлиқлигини таъкидлаб келмоқдалар. Шу боис мамлакатимизда хусусий мулк ва тадбиркорлик ҳимоясига оид қонунчиликни такомиллаштириш жараёни ҳам узлуқсиз давом этмоқда. Жумладан, янги таҳрирда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун ҳамда Президентимизнинг бу борадаги қарор Фармон ва қарорлари ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга қаратилди ва бизнес учун янги қулайликларни яратиб берди. Энг муҳими, барча даражадаги муносабатларда тадбиркор ҳуқуқларининг устуворлиги принципи қарор топди.

Муҳтарам Президентимизнинг "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мувофиқ прокуратура органлари бу борадаги назорат фаолиятини тубдан қайта қўриб чиқиб, тадбиркорлик билан боғлиқ муносабатларда тизимли равишда назорат ўрнатмоқда. Фармонга мувофиқ тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатларини таъминлаш йўналтирилган назорат кескин қучайтирилди, тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини бузган барча тоифадаги мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий, моддий ва жиноий жавобгарлик чоралари қўрилмоқда. Фармон қабул қилинганидан сўнг вилоятимизда 39 нафар тадбиркор фаолиятига асоссиз аралашуш ўтказиш ҳолатлари аниқланиб, айбдорларга нисбатан

ҳуқуқий чоралар қўрилди.

Прокуратура томонидан кўрсатилган амалий ёрдам натижасида иши тўхтаб қолган 250 дан зиёд тадбиркорлик субъекти ўз фаолиятини қайта йўлга қўйди. Рўйхатдан ўтмай тадбиркорлик қилаётган 106 нафар шахснинг фаолиятига қонуний тўсиқ берилди. Жорий йилнинг биринчи ярмидаги назорат тадбирларида 166 та ҳолатда тадбиркор ҳуқуқлари бузилганлиги аниқланди. Улардан 84 таси тадбиркор манфаатига зид қарор қабул қилиш, 14 таси мурожаатни мuddатда қўриб чиқмаслик, 8 таси ноқонуний топшириқ ёки мажбурият юклатиш, 2 таси ортиқча ҳисобот талаб қилишдир. Жумладан, Оқдарё туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими собиқ бошлиғи С.Турсунов хусусий тадбиркор М.Ашуровдан интенсив боғ қилиб, тадбиркорликни кенгайтириш учун 3,5 гектар ер майдонини ажратиб бериш эвазига 3 минг АҚШ доллари миқдоридagi қулланиш олгани учун жиноий жавобгарликка тортилган. Тергов жараёнида у, шунингдек, 35 нафар тадбиркорнинг мурожаатларини қўриб чиқмаслик йўқотиб юборгани ҳам фош этилган.

Ургут туман Давлат солиқ инспекцияси инспекторлари

# Масъулиятимизни унутмайлик

Азим САТТОРОВ,  
Самарқанд вилоят прокуратураси  
бўлим прокурори

Ж.Қодиров, К.Султонов, Б.Умаров ва М.Азизовлар 19 нафар тадбиркордан даромад солиғи учун деб йиғиб олинган 33 млн. сўмлик солиқ ва сугурта бадалларини уларнинг шахсий ҳисоб варақасига киритмасдан ўзлаштириб юборишгани учун қонун олдида жавоб беришди.

Афсуски, жойларда айрим туман-шаҳар ҳокимлари томонидан ҳам тадбиркорларнинг иқтисодий эркинлигини чекловчи ноқонуний қарорлар чиқариш, уларнинг фаолиятига аралашуш каби хатти-ҳаракатлар ҳамон учраб турибди. Масалан, Булунгур туман ҳокимининг 2015 йил 6 апрелдаги фармойиши билан туман марказида тадбир ўтказишга "Булунгур сандик" МЧЖ ва бошқа 7 нафар тадбиркордан 500 минг сўмдан пул маблағлари йиғиш белгиланган. Мазкур қарор прокурор протести асосида бекор қилиниб, тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Прокуратура органлари томонидан тадбиркорларнинг мурожаатларига жиддий эътибор қаратилиб,

уларда акс этган тадбиркорликни ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган ҳар қандай нуқсонларга қарши кескин чоралар қўрилмоқда. Мисол учун, Самарқанд вилоят статистика бошқармаси бўлим бостиқлари Б.Султомонов, Ж.Улашев ва Т.Хайдаровлар Пастдарғом туманида жойлашган "Туркистон Мева" Ўзбекистон-Россия, Самарқанд шаҳрида жойлашган "Самарқанд пойафзал класс" Ўзбекистон-Хитой қўшма корхоналарининг статистик ҳисоботларни топширишдан озод қилиш ҳақидаги мурожаатларини икки ой давомида кўрмагани, жавоб хатларини бермагани учун маъмурий жавобгарликка тортилди.

Барчамиз тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида олдимизга қўйилган вазифаларни бажаришда биргаликда ҳаракат қилсак, мамлакатимиз раванга муносиб ҳиссамизни қўшган бўламиз.


# Мурожаатлар эътиборимизда

Бахтиёр ИСМАТОВ,  
Қашқадарё вилоят прокуратураси  
бўлим бошлиғи

оид ҳуқуқлари бузилаётганлиги тўғрисидаги мурожаатини ўрганишда жамиятга қарашли "Тўқбой" пахта қабул қилиш масканида ишловчи 12 нафар ходимнинг 7,5 млн. сўмлик иш ҳақлари тўланмасдан келинаётганлиги аниқланиб, уларнинг иш ҳақлари тўлиқ тўлаб берилиши таъминланди. Жамиятда ишловчи ходимларнинг иш ҳақларини вақтида тўламасдан меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун жамиятнинг собиқ раиси Ж.Жабборов маъмурий жавобгарликка тортилган.

Шунингдек, Касби тумани Месит қишлоғида яшовчи фуқаролар Ш.Рўзибоев ва Х.Йўлдошевларнинг Муборак тумани "Геолог Агротехсервис" МЧЖдан иш ҳақларини ундиришда амалий ёрдам бериш ҳақидаги мурожаатини қўриб чиқиш натижасига кўра уларнинг жами 5 млн. 879 минг 834 сўмлик иш ҳақлари ундириб берилди. Бундан ташқари, "Турон" фермер хўжалиғи раиси О.Худойкуловнинг "Қашқадарёнефтегаз-саноатқурилиш" АЖ томонидан шартнома шартлари бажарилмаётганлиги тўғрисидаги мурожаати қўриб чиқилиб, фермер хўжалиғи фойдасига "Қашқадарёнефтегаз-саноатқурилиш" АЖ ҳисобидан 13,5 млн. сўмлик қарздорликни ундириш тўғрисида вилоят ҳўжалиқ судига даъво аризаси киритилди.

Тахлиллардан кўринадики, туман ҳокимликлари ҳузуридаги ер ажратиш комиссиялари адолат мезонларини бузганликлари оқибатида бу борадаги мурожаатлар кўпайган. Масалан, Миришкор тумани ҳокимининг 2007 йил 5 апрелдаги 268-сонли қарори билан фуқаро А.Аҳмедовга



Аҳоли моддий-маданий турмуш даражасининг яхшиланиши, аввало, фуқароларнинг иш билан таъминлиги, қолаверса, иш ҳақларини ўз вақтида олишига боғлиқ. Шунингдек, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 17 ноябрдаги "Иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалиқ юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори талабларига риоя қилишлари шарт.

**Б**арча корхона ва ташкилотларда ҳам бу борадаги қонунларга амал қилинаётганими? Таассуфки, ходимларнинг ойлик маошларини ўз вақтида бермаслик ҳолатлари ҳам учраб турибди. Масалан, "Муборак пахта тозалаш" АЖ ишчилари Р.Содиқов ва бошқаларнинг иш ҳақлари ўз вақтида берилмаганлиги оқибатида меҳнатга оид ҳуқуқлари бузилаётганлиги тўғрисидаги мурожаатини ўрганиш натижасига кўра 30 нафар ишчининг тўланмай қолган 35,6 млн. сўм миқдоридagi иш ҳақларининг тўлаб берилиши таъминланди ва АЖ раиси О.Кўзибоевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 49-моддаси 1-қисми билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

"Қарши пахта саноат транс" МЧЖ Косон тумани филиали ишчилари У.Бобомуродов ва бошқаларнинг меҳнатга оид ҳуқуқлари бузилиб, иш ҳақлари берилмаётганлиги тўғрисидаги аризаси юзасидан ўтказилган

тектиришда МЧЖ раиси Н.Равшанов Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг бир қатор моддаларида кўрсатилган талабларга риоя қилмасдан ишчиларнинг меҳнат ва меҳнат муносабатларига доир қонун билан қўрилган ҳуқуқ ва манфаатлари бузилишига йўл қўйганлиги аниқланди.

Ўрганиш жараёнида вилоят прокуратурасининг аралашуви билан филиалда ишлаб келаётган 13 нафар ишчининг тўланмаган жами 12,3 млн. сўмлик иш ҳақлари тўлаб берилиши таъминланди, Н.Равшановга МЖТКнинг 49-моддаси 1-қисми билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Қайд этиш керакки, бўлим томонидан ариза ва шикоятлар ўрганилиб, натижасига кўра тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилмоқда. Масалан, фуқаро А.Уринов ва бошқаларнинг "Қамаши пахта тозалаш" АЖ маъмурияти томонидан меҳнатга

# Тараққиётга йўналтирилган ташаббуслар

[Давоми. Бошланиши 1-бетда]

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш ҳамда фаолият кўрсатмаётган, паст рентабелларининг фаолиятини қайта тиклаш ҳам кун тартибимизда доимий масалалардандир. Вилоятимизда 2015 йил 6 майда мазкур йўналишда чора-тадбирлар дастури тасдиқланиб, шунга асосланган тарзда иш олиб борилмоқда. Дастурга кўра, ишчи гуруҳи тузилиб, унга назорат ва бошқарув органларининг масъул ходимлари бириктирилган. Улар зиммасига виллоятда фаолият кўрсатмаётган тадбиркорлик субъектларининг ҳаққоний маълумотлар базасини шакллантириш, сўровномалар ўтказиш йўли билан фаолият юритмаётганликлари сабабларини аниқлаш, мавжуд муаммоларини ҳал этиш, кредит, ер майдонлари ажратиш, бўш турган ва фойдаланилмаётган давлат объектларини "ноль" қийматда сотиш ёки ижарага бериш, бу борада суиистеъмолчилик ва тамагирлик ҳолатларининг олдини олиш борасида қатъий вазифалар қўйилган.

Олиб борилган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида виллоят ҳудудида 2516 та фаолият кўрсатмаётган кичик бизнес субъектларидан 423 тасининг фаолиятини қайта тикланди. Натижада 430 та янги иш ўрни яратилди. Фаолиятини қайта тиклашни мақсад қилган 7 та тадбиркорлик субъектига амалий ёрдам берилиб, 150 млн. сўмдан орტიқ кредит ажратилиши таъминланди.

Андижон шаҳридаги "Чўлпон" номли кинотеатр биносидида виллоят ҳокимлиги, назорат ва бошқарув органлари билан ҳамкорликда 850 дан орტიқ фаолият кўрсатмаётган тадбиркорлик субъектлари ишторикада учрашув ўтказилди. Унда 60 нафардан орტიқ тадбиркор юзга келаётган муаммоларни ўртага ташлашди. Мазкур муносабатлар

ўрганиб чиқилган, 12 таси қаноатлантирилиб, уларга кредит, ер ва бино-иншоотлар ажратилиши таъминланди. Айни кунларда бошқа муносабатларни ҳал этиш масалалари кўрилмоқда.

Виллоят прокуратураси органлари томонидан туман-шаҳар ҳокимларининг тадбиркорликка оид қабул қилган қарорларининг қонунийлиги юзасидан хулоса қилинган 20 дан орტიқ қарорлар бекор қилиниб, хато ва камчиликларга йўл қўйган мутасаддилар интизомий жавобгарликка тортилди. Хусусан, Асака туман ҳокимининг жорий йил 27 мартдаги қарори билан "Махсус бутловчи" МЧЖга 40 тонна, "Анас-Махмуд пласт" МЧЖга 5 тонна, "Асака тасанно омад люкс" МЧЖга 12 тонна, тумандаги автомобилларга газ қуйиш шохобчаларига 37,5 тонна, автомобилларга ёқилги қуйиш шохобчаларига 10 тонна, дорихоналарга 10 тонна, умумий овқатлашиш шохобчаларига 10 тонна қора металл парчаларини тайёрлаш бўйича мажбурият юклатилган.

Туман ҳокимининг қонунга зид равишда қабул қилган мазкур қарори прокурор протести билан бекор қилинди.

Бундан ташқари, айрим туман-шаҳар ҳокимликлари томонидан асоссиз қарорлар қабул қилиниши оқибатида тадбиркорларнинг фаолиятига тўсқинлик қилиш ҳолатлари ҳам юзга келмоқдаки, буларга кўз юмиб бўлмайдми. Масалан, Андижон шаҳар ҳокими 2015 йил 19 февраль санаси билан "Андижон дунёси" хусусий корхонасининг кадастр баҳоси 77,9 млн. сўм бўлган кафе биноси ҳамда "Барака" хусусий фирмасининг кадастр баҳоси 73,4 млн. сўм бўлган ошхона биноларини бузиб ташлаш бўйича қарор қабул қилган.

Мазкур қарор прокуратура томонидан бекор қилиниб, тадбиркорлик субъектлари манфаатларига зарар етказилишининг олди олинди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, виллоят прокуратураси органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг

"Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида"ги Қонуни ижросини таъминлаш жараёнида тадбиркорлик субъектлари муносабатларини ҳал этишга алоҳида ёндашилмоқда. Афсуски, мазкур йўналишда ўтказилган текширишлар уларнинг муносабатларини ўз вақтида ҳал этмаслик ёки асоссиз рад этиш ҳолатларига йўл қўйилаётганини кўрсатмоқда. Жумладан, виллоят Архитектура ва қурилиш бoш бошқармаси бошлиғи А.Неъматов "Таманно омад люкс" МЧЖ раҳбари А.Ходжаевнинг лойиҳа ҳужжатларини расмийлаштириб бериш юзасидан ёзган аризасини 4 ой давомида қўриб қўймай, ўз ҳолига ташлаб қўйган.

Виллоят прокуратураси томонидан ўтказилган текшириш натижасига кўра А.Неъматов лавозимидан овоз этилиб, унга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Шунингдек, Хонобод шаҳар ҳокимлиги мансабдор шахслари томонидан тадбиркорлар А.Абдуқаҳоров ва Ж.Холматовнинг ер, "Фозилмон зилот суви" хусусий корхонасига бино ажратиш, Т.Одилжонов, А.Абдувалиев, З.Джанпулатова ва Л.Қодированинг эгалик ҳуқуқини белгилаш, Б.Ҳожимирзаевнинг бино қуришга рўхсат сўраб ёзган муносабатлари асоссиз равишда рад этилиб, ўз вақтида тегишли муносабат билдирилмаган.

Мазкур ҳолат юзасидан шаҳар ҳокимлиги мансабдор шахсларига нисбатан ҳуқуқий қоралар қўрилиб, 6 та тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари тикланди. Жиноят ишлари бўйича Хонобод туман судининг 2015 йил 28 майдаги ҳукми билан шаҳар ҳокимининг собиқ ўринбосари Р.Солиев ҳамда Хонобод шаҳар Архитектура ва қурилиш бўлими бошлиғи Б.Джўрабобоев жиноий жавобгарликка тортилди.

Назорат қилувчи ва бошқарув органлари мансабдор шахслари томонидан ўз вазифаларини суиистеъмол қилиш, тамагирлик йўли билан ҳақ беришни талаб қилиш ҳолатларига ҳам прокуратура органларининг аралашуви билан барҳам берилмоқда. Хусусан, Марҳамат туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи И.Абдурахмонов ва бўлим мутахассиси Э.Маматалиев "Дарбозлик бунёдкор-галлакор" фермер хўжалиғи раҳбари А.Хасановдан пахта экишга мўлжалланган ер майдонини боққа айлантириб, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириб бериш эвазига тамагирлик йўли билан пора талаб қилиб, 2 минг 300 АҚШ доллари олган вақтда ушланганлар.

Виллоят прокуратураси томонидан И.Абдурахмонов ва Э.Маматалиевга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, уларнинг айбдорлиги тергов ҳаракатлари давомида тўлиқ исботини топди. Уларнинг ҳар иккиси суд ҳукми билан турли муддатларга озодликдан маҳрум этиш жазосига тортилди.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар натижасига кўра 77 та протест келтирилди. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ҳақида 20 та тақдимнома киритилди. Мансабдор ва масъул шахсларнинг 23 нафари интизомий, 3 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди. Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фойдасига 658,2 млн. сўмни ундириш юзасидан судларга 4 та даъво аризаси киритилди. Жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 6 та жиноят иши қўзғатилди ҳамда 100 нафар тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

## Асосий мезон — қонунийликни таъминлаш

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар прокуратура органлари зиммасига катта масъулият юклайди. Зеро, қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустақамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқилган манфаатларини ҳимоя қилиш, шу билан бирга, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш каби вазифалар прокуратура органлари фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди.

Жиноятларни камайтириш, уларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш учун мамлакатимизда барча зарур ҳуқуқий шарт-шароитлар мавжуд. Бу муаммони ҳал этиш учун эса мавжуд имкониятлардан умумли фойдаланиш, ўз вақтида тегишли чора-тадбирлар қўриш талаб этилади. Шундан келиб чиқиб, Сурхондарё виллоят прокуратураси органлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Виллоятда ижтимоий-сиёсий ва қриминоген вазиятнинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида виллоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолияти доимий равишда мувофиқлаштирилиб, жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги долзарб масалалар ҳамкорликда муҳофаза қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Хусусан, ўтган олти ой мобайнида амалга оширилган ишлар аҳоли умумлаштирилиб, натижалари виллоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мувофиқлаштирувчи Кенгаши ййгилишларида муҳофаза қилинди ва қатъ-

ий чора-тадбирлар белгиланди. Шу асосда олиб борилган ишлар ва профилактика тадбирлари натижасида оғир ва ўта оғир жиноятлар, жумладан, қасддан одам ўлдириш ва унга суиқасд қилиш, номусга тегиш, аёллар ва вояга етмаганлар, шунингдек, ишламайдиغان ва ўқимайдиганлар томонидан содир этилган жиноятлар камайди. Виллоятнинг Ангор, Бойсун, Музработ, Олтинсой, Термиз, Узун, Шеробод, ва Қизириқ туманларида қотиллик жинояти содир этилмади.

Жиноятларни аниқлаш, фош этиш ва улар содир этилишининг олдини олишга қаратилган ҳамкорлик натижасида турли жиноятлар содир этиб, қидирувда бўлган 255 нафар шахс ушланган. Виллоят прокуратураси органлари томонидан ўтган олти ой мобайнида бедарак йўқолган шахсларнинг 26 нафари топилган.

Тергов органлари ва суддан яширинган шахсларни қидириб топилган борасида ваколатли орган ходимларидан иборат тузилган махсус гуруҳ аъзолари томонидан олиб борилган тезкор тадбирлар на-

тижасида 3 нафар қидирувдаги шахс ушланиб, 3 та жиноят иши терговти тикланди ҳамда қўриб қиқши учун тегишли судларга юборилди. Масалан, фуқаро Ф.Бобоқулов 2013 йил 17 октябр кунини Т.Бурхоновни ҳеч бир сабабсиз уриб, унга тан жароҳати етказган. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилган. Бироқ, фуқаро Ф.Бобоқулов тергов органидан яширинган. Қидирувда бўлган айбдор 2015 йилнинг 28 апрель кунини қўлга олингач, жиноят иши терговти тикланган. Тергов жараёнида Ф.Бобоқулов айбини тан олиб, унга нисбатан амнистия ақтини қўллашни сўраб ариза билан муносабат қилган. Жиноят ишини амнистия ақтига асосан ҳаракатдан тугатиш ҳақида Шўрчи туман прокурори томонидан ЖИБ туман судига илтимоснома киритилди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида виллоят прокуратураси томонидан ички ишлар органлари суриштирув, тергов ва тезкор-қидирув фаолияти юзасидан 4 та текшириш ўтказилди, натижалари бўйича виллоят ИИБ бошлиғи

номига йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этишга қаратилган 5 та тақдимнома киритилди.

Дастлабки тергов ва суриштирув жараёнининг тўлиқ, ҳолисона ва сифатли ўтказилиши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда жиноий жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонун талабларига риоя қилиш, тергов сифати ва самарадорлигини янада яхшилаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, виллоят прокуратураси органлари томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 242 та жиноят иши тамомланиб, 466 нафар шахсга нисбатан 235 таси айблов хулосаси ва амнистия ақтини қўллаш ҳақидаги илтимосномалар билан судларга юборилган.

Прокуратура терговчилари томонидан иқтисодий жиноятчилик бўйича терговда аниқланган моддий зарарлардан 4 млрд. 256 млн. 448 минг сўми, ички ишлар терговчилари томонидан тергов қилинган жиноят ишлари юзасидан аниқланган моддий зарарнинг 2 млрд. 402 млн. 519 минг сўми ундирилди.

Шунингдек, виллоят проку-

**Бахтиёр ҚУРБОНОВ,**  
Сурхондарё виллоят прокурорининг биринчи ўринбосари

ратураси органлари ходимлари томонидан жойларда ҳудуд аҳолиси, айниқса, ёшлар ёт ёғлар, турли террористик ва диний экстремистик гуруҳлар таъсирига тушиб қолмасликларининг олдини олишга қаратилган тарғибот ишлари муносабат олиб борилмоқда. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашга қаратилган қонунлар ижроси доимий назоратда бўлиб, ижтимоий-сиёсий вазиятга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатларнинг олдини олиш тадбирлари давом эттирилмоқда.

Муктасар қилиб айтганда, қонун устуворлигини таъминлаш прокуратура фаолиятининг бош мезони саналади. Мақсадимиз қонунийликни мустақамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш борасидаги прокурор назоратининг сифати, изчиллиги, самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш ва шу асосда юртимизда тинчлик ва оқойишталикни таъминлаш ишларига муносиб ҳисса қўшишдан иборатдир.

# Ҳурмат ва эҳтиром

Ойбек ХОШИМОВ,  
Фурқат туман прокурори

Т уш пайти қишлоқ гузаригадаги шинамгина чойхонада оқсоқоллар бахшлашмоқда. Уларнинг гурунги қизиқиш билан тинглаймиз: "Хўп, сиз айтганча бўлсин, солиштириб чиқайлик. Уша пайтларда қишлоғимизга автобус ҳуши келса, биров кириб ўтган. Енгил машина бармоқ билан санари эди. Зарурат билан, бозор-ўчарга туман маркази, шаҳарга тушиб чиқишга бир кун вақтингиз кетган. Ҳозир қишлоқда, туман марказида, турли русумдаги турнақатор машиналар сиз билан бизга, йўловчига маҳтал. Борадиган манзингиз бир қадам бўлиб қолган. Неварангиз "Нексия" машинасида Кўкон дейсизми, Фаргона дейсизми, Ташкент дейсизми, айтган жойингизга олиб бориб, олиб келаяпти. Узоққа боришнинг ҳождати йўқ. Узимизнинг гузардагидек қатор-қатор дўконлар хизматингизга мунтазир. Қўлида хунари, ишлагани иштиёқи бор одам бекор қолгани йўқ. Тадбиркорликка кенг йўл бериб қўйилди. Савдо-сотикми, қосибчиликми, хунар-мандикми, кичик қорхона очиб, бирон нарса ишлаб чиқаришим, марҳамат, ишга киришим, керак бўлса, кредит олсин. Қишлоғимизнинг ўзида қанча-қанча имкониятлар бор. Узимизда мewa-сабзавот консервалари, гўшт-сут маҳсулотлари ишлаб чиқарса бўлади. Ишбилармонлар буни қилишяпти ҳам. "Харакатда барокат", деб шунга айтади-да! Мана энди ўзлимизни англаб етдик, мана энди кадр топдик. Сиз билан менга, кексаларга эътиборни кўринг. Ҳукуматимиз хурматимизни ўрнига қўйяпти, соғлигимизни тиклашга қайғуряп-

ти. Санаторийларга бепул йўллана берилляпти. Узингиз ҳам Қизилтепадаги санаторийга бориб келдингиз, шекилли. Буниям қўяверинг, истиқлол иймон-эътиқодимизга эрк берди. Таъмирланган, янги қурилган масжидларда беш вақт намозни қанда қилмай, осуда, тинч-тотув, тўкин-сочин ҳаётимизга шукроналар келтирялмиш..."

Мақтабда она тили ва адабиёт фанидан дарс берган, қарилик гаштини сураётган отахоннинг сўзлари эътирозга ўрин қолдирмайди. Газ-гапга уланади. Оқсоқоллар ўзларининг, яқинларининг мисолида ҳаётлари ўзгача сурув ва мазмун касб этганига алоҳида ургу беришади.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз раҳнамолигида мустақилликни қўлга киритган халқимиз бугун эркин, фаровон ҳаёт кечираяпти. Мамлакатимиз тарихан қисқа муддатда эришган мисли кўрилмаган ютуқлар турмушимизнинг барча соҳаларида яқол кўзга ташланади. Аввало, ҳамиятда фуқароларнинг ҳаёти, эрки, ҳуқуқ ва манфаатлари олий қадрият даражасига кўтарилди. Зеро, ҳар бир инсон ўзгача, бетакдор олам. Ана шу тамойилдан келиб чиқиб қабул қилинган қонунлар, амалга оширилаётган ислохотлар инсоннинг бахту иқболига, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиршига хизмат қилмоқда.

Болажонлик, ёшларга иззат-иром, кексаларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш халқимиз турмуш тарзининг ўзига ҳос

жиҳатларидан саналади. Меҳр чашмасидан қониб улгайган фарзандлар таълим-тарбия бериб вояга етказган ота-оналари, бобо-момоларини кўз қорачиғидаги эъзозлашлари, уларнинг насихатлариға амал қилиб, яқка-ёлғиз кексаларга меҳр-мурувват кўрсатишлари табиий ҳол.

Юқоридагидай миллий қадриятлар, ҳамма нарса инсон учун тамойилининг амалдаги ифодаси Президентимиз эълон қилган "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурида муҳассам. Ушбу дастур асосида туманимизда диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда. Ўзгалар парваршига муҳтож ёлғиз кексалар моддий ва маънавий қўллаб-қувватланмоқда. Бириктирилган ижтимоий таъминот ходимлари уларнинг юмушларини адо этишяпти, дори-дармон, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашяпти.

Туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" хайри-жамоат фонди ва бошқа мутасадди идоралар ходимлари иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари, меҳнат fronti фахрийларининг ҳолидан доим хабар олиб туришибди. Уларга Наврўз, Халқаро хотин-қизлар кўни байрамлари, Хотира ва кадрлаш кўнида моддий ёрдамлар кўрсатилди, совғасаломлар топширилди. Уруш қатнашчилари ва ногиронлари, фронт ортида меҳнат қилганлар тиббий кўриқдан ўтказилаяпти, профилактика-эм-

лаш ишлари олиб борилаяпти, уларга бепул дори-дармонлар ажратилмоқда. Туман бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан 4 нафар кекса ногирон фуқаролар ногиронлик аравачалари билан таъминланди.

Таълим муассасаларида "Кексаларнинг ўғитлари", "Фарзанднинг ота-она олдидаги бурчи ва вазифалари", "Кексаларнинг ижтимоий муҳофазаси" мавзуларида буклетлар тайёрланган ҳолда давра суҳбатлари бўлиб ўтмоқда. Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат fronti фахрийлари ҳолидан доим хабар олиб туриш, уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш мақсадида 35 та умумтаълим мактаби ва 5 та касб-хунар коллежида ташкил этилган "Нуронийлар эъзозимизда" патронаж ёшлар ҳаракати кексаларнинг оғирини енгил қилиш баробарида, ўқувчиларда эзгу фазилатларни тарбияламоқда.

"Кексаларни эъзозлаш йили" ҳудудий дастури ижроси таҳлилларида юқоридаги каби эътиборга молик ишлардан ташқари хато ва камчиликлар ҳам кўзга ташланди. Хусусан, 9 та ҳолатда санатория-курорт йўлнамаларини навбат бўйича бериш қоида-амал қилинмаган. Ижтимоий химоя ходимларининг ўзгалар парваршига муҳтож фуқароларга хизмат кўрсатиш тўғри-

сидаги ҳисоботлариға амалда бажарилмаган ишлар қўшиб ёзилиб, ортиқча тўловлар тўланишиға йўл қўйилган.

"Кексаларни эъзозлаш йили" ҳудудий дастури асосида туман тиббиёт бirlашмаси томонидан уруш ва фронт орти қатнашчиларини тиббий кўриқдан ўтказиш ва соғломлаштириш чора-тадбирлари дастури ишлаб чиқилган. Асқариёт қишлоқ врачлик пунктларида дастурлар юзаси, хўжақўрсинга тайёрланган. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари, фронт орти меҳнат фахрийлари, афгон уруши қатнашчилари, Чернобыль атом электр станциясидаги авариясини бартафаф этишда иштирок этган фуқаролар ҳамда яқка-ёлғиз фуқароларни тўла-тўқис чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказишга масъулиятсизлик билан қаралган. Тиббий кўриқларда мутахассислар тўлиқ қатнашмаган. Натижада 3 нафар уруш, 87 нафар меҳнат fronti фахрийлари белгиланган тартибда тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказилмаган. Шунингдек, Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман бўлимида пенсия ва нафақаларни тайинлаш, тўлаб боришда хато ва камчиликларға йўл қўйилган. Юқоридаги қонунбузилиши ҳолатлариға нисбатан 4 та тақдирнома киритилди. Бунга йўл қўйган шахслар интизомий жавобгарликка тортилди.

Истиклол туғайли тикланган миллий қадриятларимиз, шу жумладан, ота-оналаримиз, бобо-момоларимизга ҳурмат-эҳтиром фарзандларимизга сингиб бораверади. Кексалар ҳамиша ҳурмат-эътиборда бўлишди.

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигини кенг нишонлаш бўйича олиб борилаётган ишларға бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.



## Байрамга қизғин ҳозирлик

Унда сўзга чиққанлар Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг шу йил 17 июлдаги "Ўзбекистон Республикасида давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ пойтахтимизда ҳам энг улуг, энг азиз айёмни катта тантана, шоду хуррамлик билан нишонлаш учун қизғин ҳозирлик кўриляётганини таъкидлашди.

Матбуот анжуманида таъкидланшича, пойтахтнинг 11 майдониде, маданият ва истироҳат боғларида ижодий гуруҳлар томонидан 2015 йил 1 сентябрь кўни байрам сайллари ташкил этилади. Бунинг учун "Бетакдоримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" деган широрни ўзиде мужассам этган махсус сценарий ишлаб чиқилган. Айни вақтда эса шаҳардаги маданият ва истироҳат боғлари, майдон ва хиёбанларни ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш, бадий безаш ишлари жадал олиб бориляпти.

Байрам дастури театрлаштирилган томошалари, болалар учун мўлжалланган "Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур!" сахна кўринишлари ҳамда "Ким эдинг ким бўлдинг" деган гоияни очиб берувчи "Истиқлол солномаси" номли блокларни қамраб олади.

Концерт дастурлариға маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси, маданият ва аҳоли дам олиш марказлари тизимидаги бадийий ҳаваскорлик, болалар ашула ва ракс жамоалари, ансамбллар, хонандалар кенг жалб этилади.

"Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси тизимидаги ижодий жамоалар, таниқли актёрлар, санъат усталари, ёш ижрочилар, "Нихол" мукофоти совриндорлари, "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўриктанлови қолиблари ҳам байрам дастурида қатнашадилар.

Тадбирлар давомида юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатликни сақлаш, Ватанимиз эришяётган ютуқларини жаҳондаги эътирофи, иқтисодий-ижтимоий, маданий-маърифий жабҳалардаги ижобий натижаларининг мазмун-моҳиятини халқимиз, айниқса, ёш авлод онгу шууриға етказишға алоҳида эътибор қаратилади.

Тадбирда мутасаддлар томонидан журналистларнинг саволлариға жавоб қайтарилди.

## Ўзаро фикр алмашилди

Анжуман

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг шу йил 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни муносабати билан соҳа вакиллариға йўллаган байрам табриғида илғари сурилаган долзарб масалалар ва белгиланган вазифалар ижросиға бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси, Фуқаролик ҳамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамда Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлиғида ташкил этилди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари, журналистлар иштирок этди.

Анжуманда сўзга чиққан Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолиғида ҳамиятимизни модернизациялашға йўналтирилган ислохотлар жаҳондаги оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва таъсирини янада ошириш, уларнинг ҳуқуқий, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, журналист касбининг ижтимоий мақоми ва нуфузини юксалтиришға қаратиляётган доимий эътибор юксак самаралар бераётганини таъкидладилар.

Таъкидлаш жоизки, соҳа ривож

учун давлат бюджети ҳисобидан ажратилаётган маблағлар муттасил оширилаётгани оммавий ахборот воситалари фаолиятини ривожлантиришда муҳим омил бўляпти.

Журналистларнинг профессионал маҳоратини юксалтириш баробарида соҳада замонавий кадрлар тайёрлаш масаласиға ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Таълим жараёнида янги педагогик ва ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш, назария ва амалиёт уйғунлигини мустаҳкамлаш мақсадида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга ошириляпти.

Глобаллашув ва ахборот оқими шиддатли тус олгани дунё ахборот макониде жиддий рақобатни келтириб чиқармоқда. Бу ҳолат журналистлар зиммасидаги масъулиятни янада оширмоқда. Бунинг кун журналистлардан янги ахборот технологиялари, хорижий тиллар бўйича чуқур билим ва маҳоратға эга бўлиш баробарида ҳамиятнинг талаблариға хато монумент муносиб бўлиш, одамларни ўйлантираётган муаммоларға жавоб излашни, жамоатчилик фикрини шакллантиришда фаоллик кўрсатишни тақозо этмоқда.

Матбуот анжуманида демократик ислохотлар жараёни, аҳолида холис муносабатни шакллантириш, журналист кадрларининг янги авлодини тарбиялашда амалий тажрибалар ва истиқболдаги имкониятлар, фуқаролик ҳамиятини ривожлантиришда оммавий ахборот воситалари олдида турган долзарб вазифалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўз мухбиримиз

Савдо-сотиқнинг давлат томонидан белгилаб берилган қонун-қоида, меъёрага бўлади. Уни писанга этмаганлар эса аттган дейишлари тайин. Чортоқлик Маҳмуд Қамбаров (исм-фамилиялар ўзгартirilган) ҳам бугун ана шу оддий ҳақиқатни англаб этмагани боис надоматлар қоршиғида ўтирибди.

## Ҳалолликка не етсин

Собитхон ЖАЛИЛОВ,  
СВОЖДЛҚК департаментининг  
Наманган вилоят бошқармаси катта инспектори

У 2014 йил сентябрь ойи бошларида Чортоқ тумани "Боғистон" ҚФЙ ҳудудидаги бозорлардан бирида қирғиз миллатига мансуб Нурлан исмли шахс билан танишиб қолади. У билан ҳамкорликда қўшни республикадан тамаки маҳсулотлари олиб келиб сотишни мақсад қилади. Бироқ уларнинг ишига чегарачилар "ҳалақат" бериши тайин эди.

— Товарни ўзим чегарадан ўтказиб бераман, — деди Нурлан. — Сен уларни сотиб, пулини менга етказсан бўлгани... Фойдани тенг иккига бўламиз...

Икки-уч кундан сўнг икки ҳамтовок кўнгираклашдилар: — Маҳмуд! Эртага тунда Ринжит пости яқинига келиб тур. Товарни ўша ерга элтиб бераман.

Келишилган кун кечкурун соат 22:00ларда Нурлан "вадасига вафо қилиб", Чортоқ туманининг Қирғизистон Республикаси билан чегарадош ҳудудида жойлашган Ринжит чегара постини айланма йўллар орқали четлаб ўтган ҳолда 6990 кути "PINE" ва "LD" номли тамаки маҳсулотлари ҳамда 14 дона "Зверь" номли бурчак чиқариш ускунасини Маҳмудга олиб келиб берди. Бироқ ҳамтовогои "товар"ни қабул қилишга улгурмади, икки "бизнесмен" чегарачилар томонидан ушланди.

Холислар гувоҳлигида улардан хорижда ишлаб чиқарилган, божхона расмийлаштирувдан ўтказилганини тасдиқловчи ҳужжати бўлмаган 12 млн. 582 минг сўмлик тамаки маҳсулотлари ва 990 минг сўмлик ускуналар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Суд Маҳмуд Қамбаровга энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт юз баробари миқдорда жазога ҳайо қилинди.

Ушбу жиноят тафсилотини бежизга қаламга олмадик. Бугун юртимизда тадбиркорларга беқиёс шараоит ва имкониятлар яратиб берилмоқда. Шу соҳага лаёқати бор инсонлар бундан оқилона фойдаланиб, ўз фаолиятларини тобора кенгайтириб боришмоқда. Маҳмуд сингари ноқонуний йўлларни кўзлаганлар эса топган фойдаларидан кўра кўпроғини йўқотиб, ўзларига жабр қилмоқдалар.

## Ноқонуний даромаднинг мақсад қилиб...

Карим БАЙМАТОВ,  
СВОЖДЛҚК департаментининг Ўртачирчиқ туман бўлими бошлиғи

Мамлакатимизда валюта бозорини эркинлаштириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу эса албатта, иқтисодий таъминнинг барқарорлашуви, инфляция даражасининг пасайишига, инвестиция жараёнига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Ўз навбатида ички валюта бозорининг эркинлашуви товарлар экспорт-импорти, валюта ола-сотаси, молиявий операциялар ва савдога алоқадор бўлган пул ўтказиш тушумларининг эркинлашувига олиб келди.

Шу сабабдан фуқароларимиз бу имкониятлардан умумли фойдаланиб, ҳам жамият, ҳам давлатга манфаат келтириш билан ўзларининг қонуний даромадига эга бўлмоқдалар. Бироқ фуқароларимиз орасида давлатимиз томонидан яратилаётган имкониятлардан фойдаланиш ўрнига, ноқонуний даромад топишни ўзига касб қилиб олганлар ҳам йўқ эмас.

СВОЖДЛҚК департаментининг Ўртачирчиқ туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда фуқаро Миршод Тўланов ҳамда Мансур Мамировлар (исм-фамилиялар ўзгартirilган) олдиндан ўзаро жиноий тил бириктириб, валюта олд-сотдиси билан шуғулланиб келишайтгани аниқланди. Улар ҳудуддаги "Қумовул" ҚФЙ Янги ҳаёт маҳалласида Наримон Пардаевага 7400 АҚШ долларини 21 млн. 500 минг сўмга сотаётганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушланди. Шунингдек, тегишар жараёнида унинг машинасида яна 2800 АҚШ доллари, 8 млн. 150 минг сўм пуллар ашёвий далил сифатида олинди.

Бу ишни атрафлича қўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Паркент туман суди валютафурушларнинг қилмишларига яраша жазо тайинлаб, ҳукм чиқарди.

## Қинғир иши қимматга тушди

Хайрулла АСЛАНОВ,  
СВОЖДЛҚК департаментининг  
Сурхондарё вилоят бошқармаси  
бўлим катта суриштирувчиси

Таъкидлаш жоизки, айни вақтда республикаимизда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган фармон ва қарорлар қабул қилинди. Уларни ривожлантиришнинг жаҳон стандартларига мос ҳуқуқий асослари яратилди. Бундан қўлаш имкониятлардан оқилона фойдаланаётган тадбиркорлар ҳам давлат учун, ҳам ўзлари учун манфаатли бўлган ишларни амалга оширмоқдалар. Бироқ виждонан ишлаб келаётган тадбиркорлар орасида қонунларимизни четлаб ўтиб, бойлик орттиришни кўзлаган сохта тадбиркорлар ҳам учраб турибди. Бу каби шахслар тадбиркорликнинг асл моҳиятини тушунишни истамайдилар.

Давлатимиз томонидан яратиб берилган имкониятлардан фойдаланишни хоҳламай, янада кўпроқ бойлик орттирмоқчи бўладилар.

Бойсун туманидаги "Дарбанд" ИПХ масканида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда "Самарқанд-Денов" йўналиши бўйича ҳаракатланиб келаётган Г.Кидирниёзов (исм-фамилияси ўзгартirilган) бошқарувидаги "Мерседес-Бенц" русумли юк автомашинаси тўхталиб, унинг юкхонаси кўздан кечирилганда, сохта ҳисоб фактура асосида расмийлаштирилган 88 млн. 400 минг сўмлик 421 дона электродуховна калар борлиги аниқланди.

Воқеа жойида ҳужжатлар расмийлаштирилиб, ноқонуний товарлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Мақур ҳолат юзасидан Г.Кидирниёзовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши кўзгатилиб, жиноят ишлари бўйича Бойсун туман суди томонидан унга тегишли жазо тайинланди.

## Истеъмолчилар ҳуқуқлари тикланди

Мамлакатимизда бозор ислохотларини ривожлантириш ва чўқурлаштиришга тўққинлик қилаётган омилларни бартараф этиш ҳамда ушбу соҳага қабул қилнаётган қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш юзасидан Бош прокуратура ҳузурлиги СВОЖДЛҚК департаменти органлари кенг қўламини ишларни олиб бормоқда.

Хусусан, департаментининг Зарафшон шаҳар бўлими томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига асоссиз аралашиб каби суистеъмолчиликларга йўл қўйган идоралар ходимларига нисбатан ҳуқуқий чоралар қўрилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ўз бизнесини очишга интилаётган хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ўрнига, уларнинг фаолиятига тўққинлик қилиш ҳолатлари ҳамон учраб турибди. Жумладан, департаментининг Зарафшон шаҳар бўлими ходимлари фуқаро Комил Тўраевнинг аризаси бўйича олиб борган тезкор-таҳлилий тадбир давомида яна бир ҳуқуқбузарликка чек қўйилди. "Фарғабтаъминот" унитар корхонаси "Зарафшоншаҳаргаз" филиали етакчи ҳисобчиси Р.Жўраев (исм-фамилиялар ўзгартirilган) идора ходимлари О.Ўтаев ва А.Сафаровлар билан ўзаро жиноий тил бириктириб, фуқаро Комил Тўраевнинг ишончига киришади. Улар "Зарафшон Файзиёр" МЧЖга қарали бўлган, Комил Тўраев ишлатиб келаётган новвойхонанинг табиий газдан қарздорлигини рўқач қилиб, ундан 917 минг сўм пулини олишади. Бироқ ўчовлон ушбу маблағларни газ филиалига кириб қилишмайди. Ушбу ҳолат бўйича ўтказилган тадбир давомида "Зарафшоншаҳаргаз" филиали ходими О.Ўтаев ўзининг хизмат хонасида ари-

зачи Комил Тўраевга сохта қвитанцияларни тақдим қилаётган вақтда ашёвий далил билан ушланди.

Шунингдек, тадбир давомида О.Ўтаев газ ҳақини тўлаган тадбиркорларнинг пулларини "Зарафшоншаҳаргаз" филиали кассасига кириб қилмаслик мақсадида уларга сохта қвитанциялар тайёрлаб қўйганлиги ҳам маълум бўлди. Хусусан, бу кимса "Абдулла" хусусий корхонасига 122 минг сўмлик, "Ягона Махнунот" хусусий корхонасига 1 млн. 253 минг сўмлик, "Ал-Таир" хусусий фирмасига 200 минг сўмлик, "Зарафшон-Файзиёр" МЧЖга 350 минг сўмлик сохта қвитанцияларни бериб юборишни мақсад қилган экан.

О.Ўтаев, К.Жўраев, ва А.Сафаровлар ўзаро жиноий тил бириктириб, Зарафшон шаҳридаги 7 та ҳўжалик юритувчи субъектдан газ тўловлари учун жами 3 млн. 52 минг сўм пул маблағини йиғиб олиб, ушбу пулларни "Зарафшоншаҳаргаз" филиалига кириб қилмасдан, уларга филиалнинг муҳри билан тасдиқланган, ҳазина китобидан рўйхатдан ўтказилмаган сохта қвитанцияларни тақдим қилишади. Олиган пулларни эса ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборишади.

Ушбу ҳолат юзасидан Р.Жўраев, О.Ўтаев ва А.Сафаровларга нисбатан жиноят иши кўзгатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

## Яширгани ошқор бўлди

Инсон табиати қизиқ. Ёшликдаги хатоларни гўрликка ёки тажрибасизликка йўйиб қўя қоламиз. Аммо алақачон оқу қорани таниб улгурган кимсаларнинг қилган хатоларини нима билан оқлаш мумкин.

Фарход Шаропов бундан бир неча йиллар аввал тадбиркорлик билан шуғулланиш мақсадида "Тайлоқ туман шароб савдо" ихтисослаштирилган база унитар корхонасини ташкил қилди. Базада ишни ташкил қилиб, бошқа корхона ва ташкилотлар билан шартномалар туза бошлади. Аввалги ҳаммаси силлиқ кетаётганда. Бироқ ўз вақтида тўланмаган солиқлар туфайли Фарход мушкул ахволда қолди.

ДСИ ходимлари томонидан ўтказилган текширишлар натижасида солиқлар нотўғри ҳисобланганлиги аниқланди. Шундан сўнг корхонага 100 млн. сўм қўшимча солиқлар ҳисобланди. Корхона ҳисобида бўлган 42 млн. сўм пуллар шу қарздорлик ҳисобига ўндириб олинди. Имкони бўлса-да, Фарход қолган қарзларини узишга ҳаракат қилмади. Орандан бир неча ойлар ўтгач, ви-

лоят ҳўжалик суди томонидан Тайлоқ туман ДСИ даввосига асосан корхонага нисбатан 1 млрд. сўмдан зиёд молиявий жазога қўлланилди. Шундан кейин корхона иқтисодий жихатдан ночор аҳволга тушиб қолди. Шунда ДСИ ходимлари ва суд ижрочилари корхонани ўрганиб чиқишди. Корхона вилоят ҳўжалик суди қарорига мувофиқ, банкрот деб эътироф этилди. Корхонанинг солиқ ва бошқа тўловлардан 1 млрд. сўмдан ортқ қарзлари тўлов қобилияти бўлмаганлиги боис тўланмади. Корхонадан ушбу қарздорликни мажбурий ўндириш ҳақидаги суд қарори ҳам натижа бермади.

Муқаддам икки мартаба жиноий жавобгарликка тортилиб, икки сафар ҳам амниятига қарорига мувофиқ жазодан қутулиб қолган Фарход давлатга тўланадиган солиқлардан осонгина бўйин товламақчи бўлди. Корхона тасарруфида бўлган

Ақбар АМИРОВ,  
СВОЖДЛҚК департаментининг  
Тайлоқ туман бўлими бошлиғи

Самарқанд шаҳрида жойлашган омборхона ва савдо дўқонини суд ижрочилари ва солиқ инспекцияси ходимларидан яширди. Бироқ, қинғир ишнинг қийини қирқ йилдан кейин ҳам чиқади, дейишганидек, Фарходнинг умидлари саробга айланди. Қилгиликни қилиб қўйиб, энди пушаймон чекаётган Фарход қонун олдида жавоб беришга мажбур бўлди.

Суд унга жазо тайинлашда жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий ҳавфлилик даражасини, жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни, шунингдек, айбига тўлиқ иқроорлик билдириб, қилмишдан чин қўнғилдан пушаймон эканлигини ҳамда 60 ёшдан ошганлигини инобатга олди. Шунингдек, омборхона ва дўқон сотувга қўйилиб, маблағ унинг қарзларини қоплашга ўтказиладиغان бўлди.

Суд ҳукми билан Фарход Шароповга тегишли жазо тайинланди.

# Дориломон кунлар шукуҳи

/Давоми.

Бошланиши 1-бетда/

Изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, сармоя киритиш, шу жумладан, хориж сармояларини жалб этиш учун яратилган имтиёзлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилиши баробарида мамлакатимиз иқтисодиёти жадал ривожланмоқда. Энг янги, илгор технологиялар билан жиҳозланган, импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган рақобатбардош, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқараётган корхоналар сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

Иқтисодиёт юксалиши баробарида шаҳар ва қишлоқларимизда қурилиш, ободонлаштириш ишлари тобора авж олмақда. Тоталитар тузум даврида қаровсиз қолиб нураган тарихий обидалар реставрация қилиниб, таъмирланмоқда. Республика Президентининг «Қўқон шаҳрининг архитектура қиёфаси ва шаҳар инфратузилмасини тубдан ях-

шилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижрога қаратилиб, мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишлари қулоч ёймоқда. Сўнгги тўрт йил мобайнида кўп асрлик бой тарихга ва маданий обидаларга эга Қўқон шаҳри таниб бўлмас даражада обод ва кўркам қиёфа касб этди. Шаҳар маркази — Ўрда, Чорсу, Озодлик майдонларидаги тарихий обидалар теварак-атрофи сайлгоҳларга айлантилди. Кўчалар кенгайтирилиб, тўрт-олти қаторли автомобил катнови йўлга қўйилди. Кўпқаватли мухташам уй-жойлар, ойнаванд савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуалари шаҳар ҳуснига хусн қўшди.

Марғилон шаҳрининг икки минг йиллигини нишонлаш арасида бошланган қурилиш ишлари давом эттирилмоқда. Қадим ҳунармандлар, атлас-ипак шаҳри замонавий кўркам, бетакрор қиёфа касб этмоқда.

Фарғона шаҳрида ҳам кенг кўламли қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Автомобиллар катновига қулайлик яратган ички айлана йўли қуриб битказилди. Шаҳар кўчалари

кенгайтирилиб, янгидан турар жой бинолари, дўконлар қурилди. Янги истеъмол моллари, қурилиш ашёлари савдо мажмуалари қад ростлади. Марказий Деҳқон бозори реконструкция қилиниб, савдотик учун қулайликлар яратилди. Қуриб битказилган янги йигирма минг кишилик стадионда спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Эски ёғмоё заводи, иссиқлик қорхонаси, фуран бирикмалари кимё заводи ўрнида барпо этилган хиёбон, мухташам санъат саройи, ёпиқ сув спорт мажмуаси, янги қуриб битказилган кўпқаватли турар жой бинолари шаҳар ҳуснини очиб юборди. Янгидан барпо этилган фавворалар уфуриб турган хиёбонлар, истироҳат боғлари кекса-ю ёшлар оилалари, фарзандлари билан мириқиб томоша қиладиган, хордик чиқарадиган сайлгоҳларга аланди.

Туман марказлари ва қишлоқлар тобора обод бўлиб бормоқда. Барча қулайликларга эга намунали турар жой бинолари қишлоқларимизга фазл-тароват бағишламоқда. Астойдил меҳнат қилиб, пах-

та ва бугдодан, полиз ва савзавот маҳсулотларидан, мева-лардан юқори даромад олаётган, уларни қайта ишлаб турли хил маҳсулотлар билан бозорларимизни тўлдирётган, хорижга экспортни йўлга қўяётган қишлоқ аҳли ҳавас қилиб, намунали уйлардан андоза олиб, янги мухташам иморатлар қуриб олишяпти.

Жамият тараққиётининг муҳим омили — моддий ва маънавий бойликларимизни тиклаш, яратиш жараёнида тафаккуримиз ўзгарди. Собик тоталитар тузумдан мерос қўйиб ўтган боқимандалик кайфияти ўрнини тиним билмай ўқиб-ўрганиб, изланиб ишлаш иштиёқи эгаллади. Истиқлол Конституциясида мустақамлаб қўйилган эътиқод, хур фикр, мулкдорлик ҳуқуқлари тоталитар тафаккур занжирларини парчалади, иқтидор, қобилият эркин қанот ёзди. Муаммоларнинг энг мақбул ечимлари, янги-янги лойиҳалар тараққиётга хизмат қилмоқда.

Ёшлар, фарзандларимиз янгидан қурилган, таъмирланган коллежлар, мактабларда юқори савияда билим олиб,

Исроил ИБРОҲИМОВ,  
«Huquq»

ўзларига мақбул касб-хунара асосларини эгаллашяпти. Шаҳар ва қишлоқларимиздаги спорт саройлари, ёпиқ бассейнлар, теннис кортлари, стадионлар, маҳаллаларда барпо этилаётган спорт майдонларида шуғулланиб, ҳам маънавий, ҳам жисмоний етук инсонлар бўлиб улғайишмоқда.

Бугун жаҳон жамоатчилиги томонидан тараққиётнинг ўзига хос ва ўзига мос йўли — «Ўзбек модели» алоҳида эътироф этилмоқда. Ватандошларимиз, юртимизда истиқомат қилаётган, ўз меҳнатлари билан моддий ва маънавий бойликларимизни ошириб-тошираётган турли миллат вакиллари Истиқлол неъматларидан бирдай баҳраманд бўлишмоқда. Эзгу мақсад — тинч-тотув, тўқин-сочин, ахил-иноқ яшаш, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт кечириш, турмуш фаровонлигини юксалтириб боришга куч-ғайратлари, билим ва иқтидорлари астойдил сарфлашмоқда.

## Бу қўлларга гул ярашарди

Қадим-қадимдан вафо ва садоқат, гўзаллик ва нафосат тимсоли саналиб келинган ўзбек аёли истиқлол туфайли ўзлигини янада кенгроқ намоён қилиш имконига эга бўлди. Мамлакатимизда хотин-қизларга бўлган эътибор ҳар жиҳатдан юксали, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, кафолатлаш, турмуш шароитларини яхшилаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Юртбошимизнинг «Аёлларни ҳар қанча улуғласак, ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули деб эъзозласак, демакки, оиламизни, Ватанамизни эъзозлаган бўламиз», деган пурҳикмат таъкидлари аёлларга берилган улкан баҳо, эътибор ифодасигина бўлиб қолмасдан, жамиятимизнинг, давлатимизнинг хотин-қизларга муносабатини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Истиқлол йилларида бевосита аёллар ҳуқуқлари, манфаатлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга алоқадор 80 дан зиёд қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди.

Эътибор ва ғамхўрликка жавобан хотин-қизлар ҳам жамият ҳаётида фаол иштирок этмоқда. Асосий вазифаси оналик мартабасидан ортиб, илм-фан, маданият, ишлаб чиқариш, саноат равнақига муносиб ҳисса қўшмоқда. Бугуннинг аёли улғу шифокор, тенгсиз тадбиркор, етук ҳуқуқшунос, депутат, сийасатчи... Бундай сифатларга эга аёлларимиз сони тобора ортиб бормоқда. Бирок...

Беш бармоқ тенг эмас, дейди халқимиз. Яратилаётган имкониятларни суғишмоқ қилаётган, ҳурмат-у иззатни ўзига раво кўрмаётган хотин-қизлар ҳам борки, уларга қандай таъриф-таъсиф беришга ҳайрон қоласан гоҳида.

Бугун дунё микёсида гиёҳванд моддалар савдоси авж олган, инсоният бу дарди билан азият чекаётган даврда унга қарши курашишда фаол иштирок этаётган аёллар кўпчиликни ташкил қилади. Ахир, ҳеч бир она ўз фарзандининг бу ботқоққа ботишини истамайди. Аммо айни шу «ажал» уруғини тарқатаётганлар орасида аёллар ҳам борлиги ташвишли ҳолатдир. Миллат келаҳати, ҳаёт бардавломлиги учун масъул саналган аёлнинг бебилликка даромад олишда гиёҳванд моддалар савдосига қўл уришини ҳеч қандай баҳона билан оқлаб бўлмайди.

Айша Ернарарова 1959 йил Тўртқўл туманида туғилган. Ун нафар фарзанд-

нинг онаси. 2009 йил жиноят ишлари бўйича Тўртқўл туман суди томонидан 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. Қўнғирот туман судининг ажримига кўра, 2013 йил 20 январда жазонинг ўталмай қолган қисми шу муддатга иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадида ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ўзгартирилган. ЖИБ Тўртқўл туман судининг 2014 йил 18 июлдаги ажримига биноан ўталмай қолган ахлоқ тузатиш жазосидан шартли равишда озод қилинган. Суддан оғзи куйган, қатиқчи ҳам пуфлаб ичади, дейишади. Бошқачароқ ифодалаганда, кўр ҳассасини бир марта йўқотади. Жинойи қилмиши учун жазосини олган Айша афсуски бундан тегишли хулоса чиқара олмади.

2006-2009 йиллар даврамида бир неча бор «Қўнғирот-Бейнау» поезди орқали «опий» гиёҳвандлик моддасини олиб ўтиб сотишга муваффақ бўлган Айша 2014 йилнинг декабрь ойида 150 грамм «опий» моддасига «буюртма» олади. Самарқанд шаҳрига бориб, жинойи шеригидан ушбу микдордаги гиёҳвандлик воситасини 1000 АҚШ долларига харид қилади. Ички кийимлари орасига яшириб, Бухоро шаҳрига олиб ўтади. «Бухоро-Қўнғирот» йўналишини бўйича қатновчи «Нексия» автомашинага йўловчи сифатида минади. Ушбу автомашина «Тупроққалъа» ИПХ маска-

нида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан тўхтатилиб, машина юқонаси ва йўловчиларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари текширилганда, А.Ерназарованинг ўзини тутиши қонун ҳимоячиларида шубҳа уйғотади. У Ҳазорасп туман шошилинч тиббий ёрдам марказига келтирилиб текширилганда, шубҳалар тасдиқланди. Унинг ёнидан олинган 1 бўлак целлофан парчасига жойлаштирилган ўткир ҳидли жигар рангли ёпишқоқ модда «опий» гиёҳвандлик воситаси ва соф вазни 129,3 грамм эканлиги аниқланди.

Ушбу ҳолат юзасидан А.Ерназаровага нисбатан жиноят иши қўзғатилди ва жиноят ишлари бўйича Ҳоразм вилоят суди томонидан ўта хавфли рецидивист деб топилди, 10 йил-у 3 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Яна бир ҳолат, тўртқўллик Гавҳар Жумақличева бутун бошли жинойи тўдага раҳбарлик қилган экан. Унинг тўдасига қизи Гулжаҳон, қариндошлари Сарвижон, Марал ва бошқалар аъзо бўлиб, гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланиб келишган.

Хусусан, унинг қизи Гулжаҳон Жумақличева 1990 йилда туғилган бўлиб, 21 ёшидан буюн онасининг жинойи режаларини амалга оширишга кўмаклашиб келган. Самарқандлик Нарай исмли шахсдан бир неча мартаба 100 грамм-



Замира МАТКАРИМОВА,  
Хоразм вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи вазифасини бажарувчи  
Ойбек ЖУМАНИЁЗОВ,  
«Huquq»

дан 200 граммгача «героин» гиёҳвандлик воситаси сотиб олиб, Тўртқўлга келтириб сотган. Бунда она-сингил Сарвижон ва Марал Амановалар унга яқин кўмакчи бўлишган.

Гавҳарнинг ўзи гиёҳванд модда истеъмол қиларди. Шунинг баҳона қилиб, «Менда турса, истеъмол қилиб қўяман», дея гиёҳванд моддалар сақланган сандиқ калитини қизи Гулжаҳонга бериб қўйган. Мактабда котиба бўлиб ишлайдиган қиз бора-бора ўзи ҳам гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғуллана бошлади. 2012 йил декабрда онаси Гавҳар Жумақличеванинг қўлга тушиб, қамалиши жинойи гуруҳ фаолиятининг маълум муддат тўхта қолишига сабаб бўлди.

Бирок, «Урганган кўнгли, ўртанса қўямас», дейдилар. Кўп ўтмай ўқаси, Б.Жумақличев 10 грамм «героин» борлигини айтиб келганида, Гулжаҳон уни олиб-сотибга рози бўлди. Уларнинг бундай ҳаракатлари узоққа бормади. Ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан ўтказилган тадбирларда жинойи гуруҳнинг кирдикорлари фош этилди. Жиноят ишлари бўйича Ҳоразм вилоят суди томонидан ажал уруғини тарқатиш ортидан пул топишни мақсад қилган бу кимсалар узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Тергов ва суд жараёнида жинойи гуруҳ аъзолари ушбу тўдага ва гиёҳванд модда савдосига аралашиб қилиш сабабларини турли баҳоналар билан оқлашга, тушунтиришга уринишди. Кимдир «болам», кимдир «онам касал эди, пулга эҳтиёжим бор эди», деди. Ваҳоланки, ҳар кимни ҳам турли муаммолар безовта қилиши оддий ҳолат бўлиб, уларни ҳал қилиш учун жиноят қўчасига кириш шарт эмас. Халол меҳнат, озгина ҳаракат эвазига қўллаб юртдошларимиз чиройли, фаровон турмуш кечирмоқдалар.

/Давоми 9-бетда/

Ичкилик дея аталган иллатнинг оқибати, у келтирилган ноҳушликлар-у турли кўнгилсизликлар ҳақида кўп ва хўб гапирилган, ёзилган. Шундай бўлса-да, бирон таниши ёки оғайнисини учратиб қолиб ёҳуд "томоғи тақиллаб" ўзи уларни "отамлашиш"га чорлайдиганлар ҳам учраб туради. Агар бундай "отамлашиш"лар тинчлик билан тугаса-ку, майил-я, аммо гоҳида муштлашувлар юз бериб, айрим ҳолларда эса бу ҳатто фожиага ҳам олиб келиши мумкин.



## Касофат

Дамир МАХМУДОВ,  
Тошкент вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи ўринбосари

лашиш"ни давом эттиришди.

Кайф устида бир маҳал Умид бир йигит билан гап талашиб қолди. Хайрият, кўп ўтмай у билан апок-чапоқ бўлиб кетишди, бир-бирларининг соғликлари учун қадах кўтаришди. Гап билан бўлиб, вақт алламаҳал бўлганини ҳам сезмай қолишибди. Қарашса, кафеда ўзларидан бошқа миждозлар қолмабди. Устига-устак кафе мутасаддилари ҳам кеч бўлганини айтиб, улардан чиқиб кетишни сўрай бошлашди. Начора, ҳисоб-китоб қилиб бўлгач, бирма-бир ташқарига йўл олишди.

Қарашса, боягина ўзларига хизмат қилган официант қизлар йўл четидан турган "Матиз" русумли автомашинага ўтириш тараддуидида туришибди. Шу пайт Умид гандираклаганча бориб, машинанинг рўпарасига туриб олди. Табиийки, буни кўрган ҳайдовчи аввалига ҳайрон бўлди, кейин жаҳли чиқиб, сигнал чалиш баробарида машинани олдинга юргазиб, йигитни четга чиқишга мажбур қилмоқчи бўлди. Афсуски, унинг бу уринишлари Умид-

ни хушёрликка чорлаш ўрнига, унинг асабига тегди. Олд капотга чикиб қолган Умид маст бўлгани боис ҳайдовчини бўралаб сўка кетди. Ҳайдовчи ҳам анойилардан эмас экан. Агар у машинани орақга юргазиб, кейин Умидни айланма ўтиб кетганида олам гулистон эди. Афсуски, у бундай қилмади. Шоша-пиша машинасида туриб, Умиднинг ёқасидан олди.

У ҳам қараб турмади. Ҳайдовчи абжирроқ чикиб қолди. Зумда Умидни тагига босиб, ура бошлади. Санжар билан Воҳид эса уларни ажратишга киришибди. Бироқ уларнинг саяҳатлари беқор кетди. Ҳайдовчи билан Умид кафе ёнидаги бог ичига кириб кетишди. Кўп ўтмай ўша томондан қий-чув овозлар эшитилди. Бу ҳолатга чидалмаган Воҳид ўша томонга югурди. Санжар эса жойида қолди. Воҳид муштлашаётганларнинг ёнига


келгач, табиийки, Умид томон бўлди. Иккаласи ҳайдовчини уриб-тепаётганларидан Санжар нима қилишни билмай уларнинг ёнига келди. Бироздан кейин йигитлар чарчади. Ҳайдовчини шу ерда қолдириб, йўловчи машина тўхташди. Аввал Воҳидни, кейин Умидни олиб бориб қўйган Санжар уймаг келгач, ҳайдовчи кўз ўнгидан кетмай, безовта бўла бошлади. Бироз ўйлаб турган, Умиднинг акасига кўнгирак қилди. У келгач, иккаласи воқеа жойига боришди. Ҳайдовчи қандай қолдириб кетишган бўлса, шундай ётганини кўриб, Умиднинг акаси Санжарга тез ёрдам чақиритишни тайинлади. Санжар кўнгирак қилиб, ёлгон гапирди: кўчадан ўтиб кетаётганида бир одам ётганини кўрганини айтиб, манзилни тушунтирди. Бу орада Умиднинг акаси жуфтани ростлаб қолди.

Бироздан кейин тез ёрдам машинани етиб келди. Ҳайдовчини текшириб кўрган шифокор ўлим ҳолатини қайд этди-да, Санжарнинг исми-фамилияси ва яшаш манзилини ёзиб олди.

Эртаси кун эса ИИБдан телефон қилиб, воқеа жойига келишни сўрашди. У ерга борган Санжар яна ёлгон гапирди. Аммо бир кун аввал бўлиб ўтган воқеа жуфти бўлган кафеда ишлайдиган қизлар уни таниб қолишди. Шундан кейингина Санжар ростиини айтишга мажбур бўлди. Шу кунийқ Умид билан Воҳидни ҳам ушлаб келишди.

Суд муқаддам икки мартадан судланиб улгурсалар-да, тўғри йўлга ўлмаган Умид Сафаров, Воҳид Набиев ва Санжар Боқиевнинг ҳар бирига қилмишига яраша жазо белгилаб, ҳукм чиқарди.

## Фолбиннинг найранглари



Умид КУЛИЕВ,  
Жиззах вилоят прокуратураси бўлим АМИБ катта терговчиси

Дилором Қўчқорова фарибгарликни касб қилиб олганлиги боис, 2008 йилдан буён содир этган жиноятлари учун тўрт мартаба судланиб қиди. Суз ҳукмларига асосан унга турли муддатга ахлоқ тузатиш, озодликдан маҳрум этиш жазолари қўлланилди. Айрим жиноятлари амнистия актига асосан кечирилди, жазо муддатлари қисқартирилди. Лекин бу унинг ҳаётда тўғри йўл топишига таъсир қилмади. Фақатгина фарибгарлик йўли билан одамларни чув тушириш унинг фикр-у хаёлини эгаллаб олди. Шу боис жиноят содир этишда давом этди.

Тилга олинган "хизматлари" учун хавфли рецидивист деб топилган Д.Қўчқорова Жиззах шаҳридаги уйда ҳам қўллаб нағмалар кўрсатди. Бир кун Дилоромни фолбин деб эшитиш, ундан нажот истаб келган фуқаро Д.Усмонкулова унга учрашиб, фол очирмоқчи эканлигини айтди.

Катта ҳаётий "тажриба"га эга бўлган Дилором бу мижозни осонгина алдашига ишонди. Чунки, бирор ташвиш билан юрган киши қаердан нажот топишни билмасангина, эшитган жойига бориб, шифо излашдан чарчамайди. Унинг ҳолатини "тушунган" фолбин:

— Сизнинг яхши бўлиб кетишингиз учун узок жойга бориб дуо ўқишни керак. Хизматим эвазига 400 минг сўм беришингизга тўғри келади, — деди. Д.Усмонкулова ёнида шунча миқдорда пули йўқлигини айтди ва гаров си-

фатида тақиб юрган тилла тақинчоғини қолдирди.

Фарибгар фолбинга ҳам айнан шундай тақиб керак эди. У айтилган пулни олиб келса, тақинчоқларини қайтариб беришини айтиб, нархи 800 минг сўмлик узукни, 500 минг сўмлик никоҳ узугини ва 1 млн. сўмлик тилла браслетини, умумий ҳисобда 2 млн. 300 минг сўмлик қимматбаҳо тақинчоқларни қўлга киритди.

Фуқаро Д.Усмонкуловани осонгина алдаган фарибгар бу билан чекланмай, энди Д.Усмонкулова билан бирга келган Х.Муллажоновани ҳам ўз фариб тўрига ўрай бошлади.

— Ҳозирнинг ўзида сизнинг соғлигингиз яхши бўлиб кетиши учун тилла тақинчоқларингизга дуо ёздириб келаман, — дея ишонтиради.

Лекин бу хизматни эвазига эмас эди. "Хизмати" тевкига 100 АҚШ доллари сўраган фолбин ўзини барча муаммо-

ларни ҳал этишга қодирдек кўрсатади.

Унинг алдовига учган Х.Муллажоновани қандай қилиб нархи 3 млн. 500 минг сўмлик тилла занжирини, 700 минг сўмлик тилла узугини, 50 АҚШ доллари ва 60 минг сўм пулини фарибгарнинг қўлига топширганини сезмай қолди.

Д.Қўчқорова бу мижозни янада ишонтириш учун бир донна 175 минг сўмлик тилла зирак олиб келиб берса, пулини кейинроқ бўлиб-бўлиб тўлаб беришини айтиб, унга пул ҳам бериб юборди.

Фолбинга ишонган Х.Муллажоновани ўзининг ҳисобидан 165 минг сўм сарфлаб, бир жуфт тилла зирак олиб келиб берди. Лекин у ўзига ваъда қилинган пулни ололмади. Бошқа тилла буюмлар ҳам ҳавога учди. Оқибатда Дилором фарибгарлик йўли билан янги мижозини жамаи 4 млн. 550 минг сўмлик мулкани қўлга киритди.

Д.Қўчқорова судга ариза билан мурожаат қилиб, ўзига қўйилган айбига тўлиқ иқроғлигини, қилмишидан чин кўнгиладан пушаймонлигини билдириб, жиноят ишини амнистия актига асосан ҳаракатдан тугатишни сўради. Суд ажримига асосан Д.Қўчқоровага нисбатан қўзғатилган жиноят иши амнистия актига асосан ҳаракатдан тугатилди.

Шунча вақтдан буён фарибгарликни касб этиб келаётган аёлга яна бир марта имконият берилиб, ҳаётда тўғри йўл топишига ишон билдирилди. Лекин бу кеңиримлик таъмоийлидан у тўғри ҳулоса чиқаришга ўзида куч топа олармикан?! Буни эса вақт кўрсатади.

Достон синфдоши Маъмура яхши кўрарми-ю, буни унга айтаманми. Бу орада мактабни битиришди. Маъмура шаҳардаги тиббиёт коллежига ўқишга кирди. Қизни кўриш, у билан гаплашиб олиш пайидаги йигитча ўзгача йўлни танади. Афтидан у қизнинг кўнгилига яхши сўз, меҳр-муҳаббат билан йўл топа олиш мумкинлигини унутиб қўйгани.

## Зўравон ошиқ

Сухроб МАДЖИДОВ,  
Самарқанд вилоят прокуратурининг катта ёрдамчиси

Бу пайтда Маъмура коллежнинг 3-босқичига ўтган эди. Уни излаб келган Достон қизга коллежга кираверишда дуч келди.

— Гаплашиб олишимиз керак.

— Сен билан гаплашадиган гапим йўқ. Йўлингдан қолма, — дея қиз коллежга кириб кетди.

Достон унинг чиқшини кута-кута қишлоғига қайтди. Орадан бироз ўтиб, яна Маъмура ишлаб келди. Коллеж йўлида ярим метрча темир бўлаги билан қўтиб турди. Кўп ўтмай Маъмура кўринди-ю, йигитчага кўзи тўшиб, ортига бурилди. Достон югуриб бориб унинг йўлини тўсди.

— Агар қочиб кетсанг, уриб майиб қиламан, — деб пўписа қилди.

Маъмуранинг бахтига бир неча катта ёшли одамлар келиб қолишди-ю, қиз уларга эргшиб жўнаб қолди.

Эртаси кун эрталаб Достон коллеж биноси ёнида қўлида пичоқ билан пайдо бўлди. Буни кўриб қолган ўқитувчилар уни шаштидан қайтаришди. Бироқ Достон ортига қайтмади.

Маъмура дугонаси билан дарсдан чиқиб, ўзи яшайдиган ижара уйга қайтаётган эди. Достоннинг изма-из келаётганини сезиб, дугонасини тезроқ юришга ундай бошлади. Лекин улар узокча кетишолмади.

— Тўхта, сенда гапим бор, — деди югуриб уларга етиб олган Достон.

— Сенда гапим йўқ, йўлимни тўсма, — Маъмура шундай деб кетишга чоғланган эди, Достон "Кетмайсан", дея унинг қўлидан ушлаб олди. Қўриб кетган қиз ёрдам сўраб, ўткинчиларга ёлвора бошлади. Олдинги уларга ҳеч ким эътибор бермади.

— "Ёрдам!" Қизнинг оғзидан чиққан шу сўз ўзига душман бўлди. "Бақирма, гаплашмасанг, мана сенга!". Достон шундай деганча, унинг қорнига пичоқ урди. Кейин белига, сўнг елкасига пичоқ санчди. Қиз ҳушини йўқотиб, ерга йиқилди.

— Ёрдам беринглар, ким бор, — жон ҳолатда бақирган Шахлонинг овозига ён-атрофдагилар етиб келиб, қонга беланган пичоқ тугиб турган йигитчини ушлашди. Кимдир ички ишлар идорасига хабар қилди. Бошқаси қизни кўтариб, шу ердаги ховлига олиб кирди. Тез ёрдам чақирди. Шифокорларнинг саяҳ-ҳаракатлари билан Маъмуранинг соғлиги тезда тикланди.

Достон Турдиев эса қилмишига яраша жазосини олди. У беш йил-у уч оға озодликдан маҳрум этилди.

# Опа-сингилларнинг қилмиши

Азима Очилова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ўз oilаси билан андармон, икки нафар фарзандини улгайтириш ташвиши билан бўлиб, анча пайтгача сингиллари Васила ва Замиралардан хабар ололмади. Ўтган сафар борганида Василанинг тўлишганини кўриб:

— Ўзинг яшириб еявермай, жиянларингга ҳам илинсанг бўлмайми, — деган эди ҳазиллашиб.



Авазбек ОРТИҚОВ,  
СВОЖЖДЛҚК департаментининг  
Жиззах вилоят бошқармаси бўлим  
бошлиғи

Хар сафар ҳазилнинг давомини улаб кетишга мохир синглиси негадир бу сафар индамай уйга кириб кетганди. Ушанда аҳамият бермаган экан. Лекин айнан бугун ўша воқеа қайта-қайта эсига тушаверди. "Тинчликмикан? Замира икки нафар фарзанди билан ажрашиб келгандан бери тинчимиз йўқолган. Ёши ўтиб бораётган Василани ҳеч бўлмаганда биронта аёлсиз одамга узатганди ҳам бўлармиди?! Лекин, оғиз солганларнинг бирортаси ҳам маъқул бўлмапти-да! Рўзгор, тирикчилик деб, жигаргўшаларимдан ҳам хабар ололмадим-а".

Азима отасининг уйига кириб борганда Васила биланиб қолган қорнини ушлаганча бир челақ сувни аранг кўтариб келарди. Азима турган жойида қотиб қолди:

— Яшамагур, нега тўлишиб қолди десам, гап бўвқда экан-да! Энди боланг билан сенга ким уйланади? Ўзингни уйлаласанг ҳам бизни уйлаласанг бўларди? Синглиси бузук, деган гапга энди қандайдан чидайман!?

Опа чўк тушганча ер муштраб қарғашга тушди. Васила эса челақни ерга қўйиб, бошини ҳам қилиб тураверди.

— Тезда боладан кутулиш

керак, — шахт билан ўрнидан турди Азима. — Бунақа иснодга чидолмайман. Неча ойлик бўлди?

— Саққиз ойлик.

— Бунақа ҳолатда фақат туғиш мумкин, бошқа йўли йўқ. Бу гаплардан кейин кўп ўтмай Азима иттифоқо машинада Зумрад Миркомилова билан танишиб қолди. Ҳамроҳи ўз тақдиридан нолиб, ҳаётини сўзлаб берди. Унинг фарзандсизлик туфайли турмуши бузилган экан.

— Хафа бўлманг, "туққан эмас, боққан она", деган гап бор. Яхши бола топиб олсангиз, туққандан афзал бўлади, — деди янги режаларни тузаётган Азима.

— Бу масалани ҳам суриштириб кўрдим. Ҳаммага ҳам бола берилмавермас экан. Югур-югур кўп, анча қозоғли иш экан, — деди тушкун оҳангда Зумрад.

— Э, шуни ҳам ўйлаб ўтирибсизми? Мана, мен ёрдам бераман, — ваъдани қуюқ қилди Азима. — Телефон рақамингизни беринг, ўзим сизга қўнғир қиламан. Сиз эса суюнчини тайёрлайверинг.

Уйга қайтган Азима аввал Замирага учрашди:

— Болани бошқа одамга беришга Василани кўндириш керак. Бир аёл билан ҳамма-

сини келишиб қўйдим, икки ўртада бир нарсалик бўлиб қоламиз.

Замира уни йўлдан қайтариш ўрнига, опасининг мақсадини маъқуллади.

— Болани теким берадиган аҳмоқ йўқ. Бу тўғрида сен Васила билан гаплаш, лекин пул ҳақида гапирма. Нима бўлсаюпангни кўндир.

Замира ҳам бу масалага жиддий киришди. Василани атрофида гирдиқалалак бўлди. Болани катта қилиш осон эмаслиги, бола туфайли пайдо бўладиган муаммолар, ташвишлар ҳақида гапираркан, гўдакка кетадиган харажатларни эринмай санарди. Шу гаплар орасида туғилажак болани ўзига тўқ, болани кадрлайдиган оиллага фарзандликка бериш лозимлигини опасига уқтирарди. "Сув тағида тураверса, темир ҳам занглайди", деганларидек, Васила ҳам синглиси Замиранинг дийдиеларини эшитавериш, боласини бировга беришга рози бўлди.

Замира Азимга бу ҳақида хабар қилди. Улар Зумрадга

кўнғироқ қилиб, биронта туғруқхона топишни айтишди. Зумрад ўз навбатида Жиззахда таниш шифкорлари борлигини, муддати яқинлашса, ўша ёққа олиб боришини айтди.

Йўлда кетишаркан, Азима ва Замиранинг гап-сўзларидан, пул ҳақида гапларни Василадан яширишаётганини сезиб қолган Зумрад шубҳаланиб қолди. Ахир ўндан опасингиллар бола учун 9 минг АҚШ доллари талаб қилишаётган эди-да! Василани туғруқхонага жойлаштириб, ўзи ҳуқуқшуносларга учрашди. Ҳуқуқшунослар болани сотиш ва сотиб олишда иштирок этиш кечириб бўлмас жиноят эканлигини, бундай ҳолатда қандай йўл тутиш кераклигини тушунтиришди. Шундан сўнг Зумрад Миркомилова СВОЖЖДЛҚК департаментининг Жиззах вилоят бошқармасига мурожаат қилди.

Тез орада Василанинг кўзи ёриб, қизчали бўлди. Азима ва Замира елиб-югуриб, боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасини ҳам олишди.

Василага туғруқхонадан жавоб беришганида опа-сингиллар энгил нафас олишди. Ниҳоят, савдолари пишадиган кун келди. Савдо "ёлланган" машинада давом этди.

— Биз 9 минг долларга келишган эдик. Василани "роддом"га жойлаштирдигиз. Яна дори дегандай, анча чиқимдор бўлдингиз. Шунинг учун минг ўтаминг, 8 минг доллар бера қолинг. Орамиз очик, — деди Азима.

— Яна қандай пул? — ҳайрон бўлди Васила ҳеч нарсасига тушунмай.

— Бу сенинг соғлигингни тиклашга керак. Қара, ахволинг яхшимас.

Васила индамай қўя қолди. Зумрад сумкасидан бир боғлам пул қичириб узатди:

— Мана, роппа-роса 8 минг доллар.

Азима пулни олиб, Замирага узатди. Зумрад болани олиб, бошқа машинага ўтаркан, Василага юзланди:

— Гўдакни охири марта эмизиб беринг. Яна қорни очиб қолмасан.


Шу пайт етиб келган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари уларни ашёвий далил билан қўлга олишди.

Суд Азима ва Замира Очиловаларни 6 йилдан озодликдан маҳрум қилди. Василага уч йиллик синов муддати белгиланди.

Бутун дунёни ташвишга солаётган глобал муаммолардан бири бу коррупциядир. Коррупция ҳар бир мамлакатнинг миллий давлатчилик асосларига, сиёсий ва иқтисодий ҳавфсизлигига жиддий ҳавф туғдиради. Шунинг учун ҳам ҳар бир мамлакат қонунчилигида порахўрлик ижтимоий ҳавфли қилмиши сифатида қораланади ва бунинг учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

## Нафс тузоғи

Мамлакатимизда ҳам мазкур муаммога қарши кураш масаласига мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ жиддий эътибор қаратилган. Суд-ҳуқуқ тизимида ислохотлар изчиллик билан амалга оширилиб, коррупция ва порахўрликка қарши самарали кураш олиб борилмоқда. Шундай сарай-ҳаракатларга қарамай баъзи кимсаларнинг содир этётган қилмишлари эса ачинарли ҳолдир..



Баҳром Ҳошимов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) кўпчилик ҳавас қилгувчи лавозимда фаолият олиб борарди. Маҳалла-қўй, таниш-билишлари орасида ўзига яраша обрў-эътиборга эга эди. Боиси у Сирдарё вилоят ИИБ ЙҲХБ йўл назорати бўлими катта муҳандиси лавозимини эгаллагунча анча меҳнат қилган эди. Аммо 50 ёшга яқинлашиб қолганда нафсининг куткусига учди-ю, обрў-эътибор ҳам, иш ҳам ҳавога учди-кетди.

Азимжон ЮЛДАШЕВ,  
Сирдарё вилоят прокуратураси бўлим  
АМИБ катта терговчиси

2014 йилнинг октябрь ойида Сирдарё вилояти Сардоба тумани ҳудудидаги Тошкент-Термиз автомобиль йўлида хизмат вазифинини ўтаётган Б.Ҳошимов Сирдарё-Жиззах йўналиши бўйича йўл қондасини бузиб, ҳаракатланиб келаётган автоуловни тўхтади. Машинасини йўл четига тўхтатган фуқаро Бурхон Толипов уловдан тушиб, йўл назорати бўлими катта муҳандисининг олдига келди. Б.Ҳошимов ҳайдовчига содир этган ҳуқуқбузарлиги учун маъмурий баённома тузиши лозимлигини тушунтираркан, "рози" қилса шаштидан қайтиши мумкинлигини ҳам қистириб ўтади. Катта муҳандиснинг "рози"лигини олиш ҳайдовчи учун 55 минг сўмга тушади. Ҳуқуқбузардан пулларини санаб, кассасига урган Б.Ҳошимовнинг қувончи узоққа чўзилмади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ҳамкорликдаги тадбирида катта муҳандиснинг қилмиши фош этилди.

Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят суди томонидан хизмат вазифини сидқидилдан бажариш ўрнига, мансаб ваколатини суиестемма қилган Б.Ҳошимовга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

## Бу қўлларга гул ярашарди

[Давоми. Бошланғичи 7-бетда]

Х аёт инсонга бир мартаба берилади. Уни Гўзал ва файзли қилиб ўтказиш ҳам, жаҳолат ботқоғига ботиб, издан чиқариш ҳам ўз қўлимизда. Гўзаллик ва эзгулик тимсоли саналмиш аёл ўз фаҳму фаросати, тадбиркорлиги билан ўзи ва яқинларининг умрига яхшилик безакларини беради. Умрнинг узунлиги, бағри бутунлик, қавм-қариндошлар ўртасидаги меҳр-оқибат ришталарининг мустаҳкамлиги кўп жиҳатдан аёлнинг оқиллигига боғлиқ бўлади.

Балки шунинг учун ҳам миллатимизда аёл алоҳида улуғлиниб, унинг қўлларига гуллар тутилар? Ҳақиқатан ҳам аёл қўлларига бешик, фарзанд, гул, зеб-зийнат ярашади.

Оғир уруш йилларида момоларимиз ўзларини эрдай тутиб, фронт ортима меҳнат қилганлар, йўқ имкониятларни топиб қишлоқ хўжалигидан мўл ҳосил етиштирганлар. Ҳаётдан нолимаганлар, бошларини чангалламаганлар. Турмуш ўртоқлари, фарзандларининг, жигарларининг ўлими ҳақидаги совуқ хабарларни матонат билан қабул қилганлар. Урушдан кейинги очарчилик йилларида ҳам болаларини ҳалол ризқ билан парвариш қилиш ниятида кеча-кундуз тиним билмаганлар. Улар билан суҳбатлашсангиз, бугунги фаровон турмушнинг ёшлиқларида тасаввур ҳам қилишмаганини қайта-қайта таъкидлаб, чексиз шўқроналикларини билдирадилар.

Аммо "арининг захрин тотмаган, на билсин болнинг қадрини", деганларидек, айрим юртдошларимиз бугунги кунларни муносиб баҳоламайдилар, қадрламайдилар. Озод ва обод Ватан қадрига етиш, унинг равнақига, янада гуллаб-яшнашига улш қўйиш ўрнига турли баҳоналарни йўлаб топиб, жиноят кўчасига кириш кечирилмас гуноҳдир. Гиёҳванд моддалар тараққийга тўсиқ бўлувчи тўр ва лойқалардан биридир. Яқинларини, айниқса, келажак эгаларини гиёҳвандлик ботқоғидан асрашда аёл бор ақлу салохиятини ишга солмоғи фарз ва қарз эмасми?!

Бугун гиёҳвандлик ва унинг оғир оқибатлари ҳақида қайта ва қайта гапиряпмиз. Боиси, биттагина гиёҳванд ҳам жамият учун ҳавфли.

Гиёҳвандлик инсон жисмини қанчалик хароб қилса, шахсининг ва жамиятнинг мол-мулкига ва бойлигига ҳам мислсиз зарар еткази. У тинч-тотув оилаларни бузади, болаларни етим қилади, қашшоқлик, муҳтожликка яшашига мажбур этади, охир-оқибат, касаллик, ҳаёт билан видолашув ёки озодликдан маҳрум этилиш билан яқун топади.

Неча бора исботланган бу фикрларимиз барчамизни, айниқса, аёлларимизни ҳушёрликка чорлаши, гиёҳванд моддалар савдоси билан эмас, аксинча, унга қарши кураш билан шуғулланишга ундаши лозим. Ҳо-ю ҳавас, мол-дунё ўткнчи. Улар биз учун саломатлигимиздан, тинч ва тотув ҳаётимиздан афзал эмас. Буни ҳар биримиз ўз вақтида англаб етишимиз шарт ва зарурдир.

# Товламачи ошиқлар



Дилзода ДОВУДОВА,  
Бош прокуратура бошқарма  
прокурори

Бугунги кунда давлатимиз томонидан ёшларнинг билим олиши ва касб танлаши борасида яратилаётган имкониятлар туфайли кўплаб ёшларимиз ўзларининг интеллектуал салоҳияти билан халқаро олимпиадалар, спорт мусобақалари, қолаверса, барча соҳаларда катта муваффақиятларга эришиб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётганлиги барчамизни амдан қувонтиради. Лекин ютуқларимиз билан бир қаторда айрим ёшлар ўртасида зарарли олатларга ружу қўйиш ҳолатлари учраб турганлигини инкор қилиб бўлмайди.

Бунга ўтган йилнинг июнь ойида 1993 йилда туғилган Бобур Толипов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ва Наргиза Олимова билан боғлиқ ҳолатни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Улар бугунги кунда жуда оммалашиб кетган, барчани ўзига кенг жалб этган ижтимоий тармоқлар орқали танишишади. Ушбу танишув улар ўртасида секин-аста ишқий муносабатга айланади. Қизнинг уйига тез-тез ташриф буюраётган йигитга аввалига унчалик аҳамият бермаган Наргизанинг ораси кейинчалик уларнинг муносабатларига эътироз билдира бошлади. Бир сафар Бобурга қизини тинч қўйишини, уйига бошқа келмаслигини айтиб, уни ҳайдаб юборди.

рида Бобур эндигина 19 ёшга кирган коллеж талабаси Ситора Мардиева билан танишиб қолади. Устамон йигит Ситорани ҳам қўлдан чиқармай, бир вақтнинг ўзида икки қиз билан муносабатларини давом эттиради. Бир гал Ситора Бобурнинг телефонида Наргизанинг турли ҳолатларда тушган расмларини кўриб қолганида, "Менга нисбатан қилган муомаласи учун Наргизанинг орасидан ўч олишда ушбу расмлардан фойдаланаман", дея қизини ўзига шерик қилиб, ўзaro жинсий тил бириктиради.

Жинсий режага биноан Бобур Наргизанинг бир нечта расмларини чиқартириб, конвертга солади ва унинг орасига жўнатади. Бундан мақсад, йигит шу йўл билан қизнинг оиласидан пул ундирмоқчи эди.

Расмлар қизнинг хонадонига етиб борганини билгач, йигит Наргизанинг орасига кўнгирақ қилади ва ушбу расмларни интернетда тарқатиб, уларнинг оиласини, қизини қариндош-уруғлари, маҳалла ва таниш-билишлари орасида шарманда қилиш билан кўрқитиб, ундан 3 минг АҚШ доллари миқдоридан пул талаб қилади.

Чорасиз қолган она мазкур ҳолатларга қонуний чора қўришни сўраб туман ИИБга ариза билан мурожаат қилди. Ҳолат юзасидан ўтказилган тезкор тадбирда товламачилар Наргизанинг орасидан 100 АҚШ долларини олаётган вақтда жиноят ўстида қўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улугбек туман суди товламачилик билан пул топишни ният қилган Бобур Толиповга 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади. Унинг шериги Ситора Мардиева ҳам тегишли жазосини олди.

Шу ўринда айтиш жоизки, хорижий телеканаллар орқали намойиш этилаётган гарбона ҳаёт тарзини тарғиб этувчи фильм, клип ва шоу-дастурлар, ичкиликбозлик ва кашандалик каби салбий ҳолатлар бугун ёшларимиз тарбиясига таъсир кўрсатаётганидан кўз юма олмаимиз.

Ўйлаймизки, ота-оналар бу борада фарзанд тарбиясининг нозик жиҳатларига, айниқса, уларни меҳнаткаш, меҳр-оқибатли, ибодли, гўзал хулққа эга бўлишларига алоҳида эътибор қаратсалар, бундан кўпроқ наф қўрадилар.

Жорий йилнинг 13-15 август кунлари Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси органларида хизмат қилаётган ёш мутахассислар билан Чирчиқ олий танк қўмондон-муҳанаслик билим юртида "Мустақиллик — энг улуғ, энг азиз неъмат" мавзусида навбатдаги ўқув-амалий семинар ўтказилди.

## Билим ва малака оширилди

Ақбар БОБОЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия подполковниги А.Хусанов кириш сўзи билан очиб, мустақил юртимизда жамиятнинг демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш, Қуроли Кучларда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар ҳусусида тўхталиб ўтди.

Семинарда таъкидланганидек, мустақиллик йилларида мамлакатимиз сарҳадларининг дахлсизлиги ва худудий яхлитлигини таъминлаш, эл-юртимизнинг осуда ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир, замонавий қурол-аслаҳа ва техника билан таъминланган, яхши тайёрланган ва бугунги кун талабларига жавоб берадиган, сон жиҳатдан ихчам ва ҳаракатчан Қуроли Кучларни вужудга келтириш борасида тизимли ишлар амалга оширилди.

Бундай чора-тадбирлар Қуроли Кучларимизнинг жанговар куч ва имкониятларини сезиларли даражада ошириб, бутун армиямиз қиёфасини тубдан ўзгартирди. Қуроли Кучларимизда олиб борилаётган ислохотларнинг энг муҳим натижаси, ҳеч шубҳасиз, армиядаги ахлоқий-руҳий, маънавий муҳитнинг бутунлай янгиланганида яққол намоён бўлмоқда. Халқимиз, биринчи навбатда, ёшларимиз ўртасида ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори юксак даражага кўтарилди. Эндиликда Қуроли Кучлар сафида хизмат қилиш наинки конституциявий бурч, балки кўпчилик ҳавас қиладиган энг нуфузли касблардан бирига айланди.

Уч кун давом этган машғулотларда ёш мутахассислар марш-югуриш, тўсиқли йўлдан ўтиш ва ўқ устиш бўйича амалий машғулотларни бажариб, жисмоний тайёргарликларини синовдан ўтказишди. Шунингдек, семинар қатнашчилари амалдаги, янги қабул қилинган қонунлар ва уларга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар, Президентимиз асарлари, маърузалари, фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг соҳавий буйруқлари, Қуроли Кучлар Умумҳарбий низомлари ҳамда ахборот ва компьютер технологиялари бўйича эгаллаган билимларини ҳам мустаҳкамладилар.

### «EFFECT REAL GROUP» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Реклама (эълон)лар

**Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Фарғона вилоят худудий бошқармасининг 2015 йил 17 июлдаги 157 хус/б-сонли буйруғи ва Фарғона тумани ҳокимининг 2015 йил 26 мартдаги 212-сонли қарорига асосан яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича Фарғона тумани Соғ буйи ҚФЙ худуди 242-сонли контурда 15 та (16-30) ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар аукцион савдосига қўйилмоқда.**

Макур ер участкаларига бўлган ҳуқуқнинг ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 364 000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 23 сентябрь кuni соат 11:00да Фарғона тумани ҳокимлиги мажлислар залида бўлиб ўтади.

Аризаларни қабул қилиш 2015 йил 22 сентябрь кuni соат 18:00да тўхтаилади.

Талабгорлар ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат тўловини савдо ташкилотчиси "Effect Real Group" МЧЖнинг куйдаги ҳисоб рақамига тўлашлари керак.

"Савдогарбанк" Фарғона вилоят бўлимидаги 2020 8000 7049 4327 8001, МФО: 00500, ИИН: 302 128 329.

Аукционга қўйилган ер участкалари билан туман архитектура бошқармаси вакиллари билан жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Белгиланган тартибга кўра аукцион савдосида қолиб чиққан қатнашчига 20 кун ичида олди-сотди шартномасини имзолаш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдоси қолиби савдо бўлиб ўтгандан кейин 20 кун муддат ичида аукционда сотиб олган "ер участкаси" учун қолиблик баённомасида қайд этилган баҳонинг камида ўн беш фоизи миқдоридеги пул маблағи "Савдо ташкилотчиси"нинг ҳисоб рақамига тўлашни шарт.

Аукцион савдосида қатнашиш учун савдо ташкилотчиси ва талабгор ўртасида закалат тўлови тўғрисида келишув имзоланиб, сўнг талабгор савдо ташкилотчисига аукцион савдосини ўтказиш тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатларда куйдаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукцион савдосида қатнашишга икки нусхадан иборат буюртманома тақдим этади:

— Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — паспорт нусхаси;

— хорижий юридик шахслар — уларнинг давлат рўйхатидаги ўтказилганлик

тўғрисидаги гувоҳномасининг нусхаси, таъсисчиларнинг рўйхати ва уставининг белгиланган тартибда легализация қилинган нусхаси;

— хорижий фуқаролар — чет эл давлатининг миллий ёки дипломатик паспорти;

— Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар — яшаш гувоҳномасининг нусхаси;

— закалат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхасини тақдим этади.

Талабгорларни қизиқтирган барча масалалар бўйича мурожаат учун манзил:

Фарғона шаҳар А.Фарғоний кўчаси 43-уй 24-хона. Тел: +99895 404 54 84. Веб-сайт: www.effect.uz Лицензия 0094.

Хизматлар лицензияланган

### «EFFECT REAL GROUP» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ "Аукцион" савдоларига таклиф этади.

**Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазиран Маҳкамасининг 2011 йил 30 март кунги 94-сонли "Истеъмол товарлари билан улғуржи ва чакана савдонини ташкил этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига ҳамда Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" АК тугатиш комиссиясининг 2015 йил 13 августдаги 38-сонли хатига асосан Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" акциядорлик компаниясининг куйда келтирилган жамиятдаги улушлари такроран арзонлашган ҳолда қўйилмоқда.**

1. Ёзёвон туман "Матлуботсавдо" МЧЖдаги 25,0 фоиз улуши, улушнинг бошланғич баҳоси — 6 077 618 сўм.

2. Бөгдоғ туман "Тайёрловсавдо" МЧЖдаги 24,99 фоиз улуши, улушнинг бошланғич баҳоси 9 801 769 сўм.

Аукцион савдолари 2015 йил 3 сентябрь кuni соат 10:00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлардан савдода қатнашиш учун аризалар 2015 йил 2 сентябрь кuni соат 17:00 гача қабул қилинади.

Савдога қўйилган "улуш"ларнинг ҳужжатлари билан "Савдо ташкилотчиси" ҳамда Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" АК томонидан бевосита танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар

"Савдо ташкилотчиси" билан тузиладиган закалат келишувига асосан, улушнинг бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридеги закалат пулини тўлов ҳужжатида улушнинг номи кўрсатилган ҳолда "Савдо ташкилотчиси" "EFFECT REAL GROUP" МЧЖнинг рекевизитлари, ИИН: 302128329, МФО: 00500, "Савдогарбанк" Фарғона вилоят бўлимидаги 20208000704943278001 ҳисоб рақамига тўлашлари керак.

Талабгорлар қизиқтирган барча саволлар бўйича куйдаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Фарғона шаҳар, Аҳмад Фарғоний кўчаси 43-уй. Тел: +99895 404-54-84. Лицензия RR-0094

Хизматлар лицензияланган

### ХАБАРНОМА

«EFFECT REAL GROUP» МЧЖ томонидан газетанинг 2015 йил 2 июлдаги 26(963)-сонидеги берилган Риштон тумани "Умид" МЧЖ балансидаги кўчмас мулклар бўйича аукцион савдосини ўтказувчи комиссиясининг 2015 йил 11 август кунги 1-сонли йиғилиш баённомасига асосан очиқ аукцион савдоси 2015 йил 19 август кунги бўлиб ўтиши маълум қилинади.

Тел. +99895 404-54-84 "Effect Real Group" МЧЖ Лицензия RR 0094

Хизматлар лицензияланган

## Миллий урф-одатлар намоёиши

Пойтахтимизнинг Фафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғида "Бетақроримсан, яғонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" широри остида "Ўзбекистон — умумий уйимиз" деб номланган маданий-маърифий талбир бўлиб ўтди.

Энг улуг, энг азиз байрам — Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланган мазкур талбир Республика Байналмилал маданият маркази, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси ва қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда уюштирилди. Унда юртимизда фаолият кўрсатаётган миллий маданият марказлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёзувчи ва шoirлар, бадий жамоалар, маҳалла фаоллари, ёшлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик, ўзаро ҳамжихатлик ҳамда аҳиллик каби миллий ва умуминсоний тамойиллар бош мезон бўлиб хизмат қиладиганини эътироф этишди.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда бир юз ўттиздан зиёд миллат ва элат вакиллари тинч-тотув, аҳил-иноқликда истиқомат қилмоқда. Уларнинг миллий аёнча ва қадриятлари, урф-одатларини ривожлантириш, таълим-тарбия олиши,

ижод қилиши, муносиб турмуш кечириши, дам олиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Бош Қонунимизда мамлакатимизда барча фуқаролар жинси, irqи, миллати, тили, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқ ва эркинликка эга экани белгиланган. Бу турли миллат ва элат вакилларининг шу юртнинг тенг ҳуқуқли фарзанди сифатида яшаб, меҳнат қилишида, халқимиз фаровонлиги ва Ватанимизнинг тараққиётини таъминлашга ҳисса қўшишида муҳим омил бўлаётди.


Бир юз эллиқдан ортиқ миллий маданият марказида ташкил этилган турли фан, спорт, musiқа ва рақс тўғарақлари болаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш билан бирга, уларнинг дўст, ҳамжихат, ҳамфикр бўлиб улгайишига хизмат қиладиган. Шунингдек, марказлар миллатлараро муносабатларини янада мустаҳкамлаш, навақирон авлодни истиқлол ғоясига садоқат, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишига фаол ҳисса қўшмоқда.

Тадбир доирасида миллий маданият марказлари томонидан тасвирий ва амалий санъат асарлари, миллий таомлар ва либослар кўргазмаси ташкил этилди. Турли халқларга хос урф-одатлар намоёиши, миллий маданият марказлари қошидаги фольклор жамоаларнинг куй-қўшиқлари барча иштирокчиларга байрамона кайфият бахш этди.

Ўз мухбиримиз

## Аёлларнинг узок умр кўриши сабаблари

Статистик маълумотларга кўра, ер шарининг ҳар қайси нуқтаида аёлларнинг эркакларга нисбатан умр кўриш давомийлиги узунроқ. Агар Европани мисол тариқасида оладиган бўлсак, ҳаёт давомийлиги ўртачада фарқ уч ва олти йил орасида эканлигига гувоҳ бўламиз. Шарқда эса ушбу кўрсаткич етти-саккиз йил орасини ташкил қилишини кузатишимиз мумкин. Россия, Беларусь ва Литвада бу кўрсаткич рекорд натижасига етган. Мунахассасларнинг таъкидлашича, яқин йиллар ичида фарқ ўн беш йилгача етиши мумкин экан. Олимлар бу муаммонинг ечимини излаб тадқиқот олиб боришганда, шундай қарорга келишди. Яъни эркаклар турли биологик сабаблар ва ҳаёт тарзи яшаш услублари боис умрларини қисқартириб кўра эканлар. Кўинда мана шу омилларнинг бир нечасига тўхталиб ўтамиз.



### Она қорнида бошланган заифлик

Таъкидланишича, аслида ўғил болалар қизларга нисбатан дунёга 2,5 баравар кўпроқ келиши керак. Бироқ тадқиқотлардан келиб чиқиб, ҳақиқат нуктаи назаридан олиб қараганда ўғил болалар организмиди туғилгунига қадар она қорнида юзага келадиган инфекция ва бошқа синовларга қарши етарли даражада кураша олмасдан нобуд бўлиш ҳолатлари учраб туриши маълум бўлди. Бу эса икки жинс вакиллари туғилишини 50/50 кўринишига олиб келар экан. Ҳатто ўғил болалар туғилгандан кейин ҳам ўпка ва мия каби органларнинг яхши ривожланмай қолиш ҳолатларига қизларга қараганда кўпроқ дучор бўлишар экан. Чунки ўғил бола чаклоқларнинг организмиди қизларникига қараганда секинроқ ривожланиши кузатилади.

### Аёлларнинг ҳимоя тизими кучли бўлади

Илмий фикрлар орасида яна бир тахмин мавжуд. Яъни аёл кишининг организмиди эркакларникига қараганда кўпроқ ҳимоя қилинган экан. Боиси,

улар авлодни давом эттириш вазифасини бажаргани учун, табиатан бу жинс вакиллари бир неча ҳимоя механизмларига эга. Айнан мана шу омиллар аёлларнинг узок умр кўришини таъминлайди.

### Мантиққа қараб иш туттиш

Шахсий имкониятларини тўғри баҳолай олмаслик эркакларда кучли бўлгани учун уларига кўп жабр қиладилар. Бу ҳам уларнинг умрлари қисқаришига сабаб бўлади. Аёлларда эса, таваккалчиликларини келтириб чиқарадиган, масъулик масалаларига жавоб берадиган мия ҳужайралари эркакларникига қараганда камроқ ривожланганлиги боис, улар бундай ишларга қўл уришмайди ва бунинг ортидан жабрландиш ҳолатлари кам учраши қайд этилган. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, эркаклар жасорат кўрсатаман, деб мантиққа қараб иш тутмасликларини натижасида умрларининг бир неча баҳорини йўқотиб қўйишлари мумкин экан.

### Ўрак касалликлари

Ўрак хасталиклариди жинс танламайди. Аёллар ҳам, эркак-

лар ҳам унга баравар кўрсаткичда мойил бўлишади. Бироқ эркакларда мазкур касалликлар 30-40 ёш оралигида рухур қилиши бошланса, аёлларда эса бу 10 йил кечроқ кузатилади. Бунинг сабаби эса юқорида таъкидлаганимиздек, аёллар организмиди ҳимоя тизимига боглик. Яъни аёлларнинг қон томирлари 40 ёшгача барқарор бўлгани учун уларни турли юрак касалликларидан ҳимоя қилар экан.

### Зарарли одатлар оқибати

Статистик маълумотларга кўра, эркаклар орасида ҳамон алкоголь ва никотинга тобелик юқори бўлаётир. Мазкур одатларнинг қанчалик зарарли экани ҳақида батафсил маълумот бериш шарт эмас.

### Муаммони ичга ютиш

Эркаклар орасида тарқалган зарарли одатлардан яна бири бу — муаммоларни ичга ютишдир. Мазкур руҳий жасорат эса умрнинг қисқаришига олиб келади. Аёллар эса ҳаётда дуч келинган муаммоларни ўзларида сақлаб тура билмай, кўз ёши ёки ўзга одама уни тўкиб солиш орқали ичларидан чиқариб юборадилар. Айнан шунинг эвазига бу жинс вакиллари қўшимча йиллар яшашга эга бўлишади. Бу ҳолатлар кўпроқ ёлғиз эркак ва аёлларда кузатилади. Турмушда аъло даражадаги жуфтини топган икки жинс вакиллари эса бундай вазиятларга дуч келишмайди. Чунки эр ва хотин ҳаётда бир-бирини қўллаб-қувватласалар, улар узок умр кўришларига шубҳа йўқ.

### Соғлиққа бўлган эътибор

Аҳамият берган бўлсангиз, аёллар ички оргнларга аҳамияттироқ бўлишади. Уларда бундай ҳолат юз берса, дарҳол шифокорларга мурожаат қиладилар. Ақсарият эркаклар учун эса соғлиқ иккинчи даражада. Улар касалхонага боришдан қўрқиб, оғриқларини турли йўлар билан босишга ҳаракат қиладилар. Мана шу ҳолат ҳам айрим сурункали касалликларга олиб келиши ва соғлиққа жиддий зарар етказиши мумкин. Натижаси эса маълум, бир неча йил умр йўқотилади.



## Инсон танасини тозалайдиган энг зарур маҳсулотлар

Маълумки, бирор хасталикдан сўнг организм турли дориларнинг асоратларидан азият чека бошлайди. Боиси, сиздаги касалликни даволаш жараёнида қўланилган дори воситалари танангизнинг бошқа аъзосига салбий таъсир кўрсатиши табиий ҳолдир. Натижада эса танада ҳолсизланиш кузатилиб, турли аъзоларингизда кечаётган тушунарсиз оғриқлар сизни беҳаловат қилади. Шунинг учун ҳам оғир дарддан турли кимёвий дорилар ёрдами билан халос бўлганингиздан сўнг танангизни заҳарлардан тозалайдиган маҳсулотлардан кўпроқ истеъмол қилинг!

### Карам

Карам танани тозаловчи витамин ва озикларга бой бўлиб, бу моддалар заҳарли моддаларни ичакдан чиқариб юборишга ёрдам беради. Бундан ташқари, карамдаги органик кислоталар инсоннинг ҳазм қилиш органларига ижобий таъсир кўрсатиб, микрофлорани меърига келтиради. Карамнинг ижобий жиҳатлари шу билан чекланмайди. Унда ноёб бўлган U витамини бор. Бу витамин организмдаги хавфли моддаларни зарарсизлантиради. Шунингдек, карамдаги ушбу модда витаминлар синтезида иштирок этади. Ҳатто у яраларнинг битишига ёрдам беради. Карамни барқарорликка ёки тузлаб, ҳатто шарбат шаклида ҳам истеъмол қилиш жуда фойдалидир.

### Қизил лавлаги

Қизил лавлага — организм тозалашда биринчи рақамли маҳсулот ҳисобланади. Биринчидан, лавлага таркибида мис, фосфор, C витамини ва қатор фойдали кислоталар бўлиб, улар ҳазм қилиш жараёнини яхшилайди ва ичакдаги чиритувчи бактерияларни ўлдиради. Иккинчидан, унинг таркибида липотроп модда бўлиб, у жигарни заҳарли моддалардан самарали тозалайди. Учинчидан, лавлага мавжуд бўлган фоллий кислотаси (бу кислота янги ҳужайралар яратида) ва кварц (тери, соч ва тирноқлар ҳолатини яхшилайди) моддалари ҳисобига организмда ёшариш рўй беради. Лавлагини қайнатиб, карам шўрвага солиб, салат тайёрлаб ёки шарбат кўринишида истеъмол қилсангиз, танангизнинг яшаришига замин яратасиз.

### Саримсоқ

Саримсоқнинг битта бўлақчасида 400 дан ортиқ инсон организмиди учун фойдали компонентлар мавжуд. Биринчи навбатда улар томирларни тозалаш, қондаги холестерин миқдорини камайтиради ва



мия саратонига олиб келувчи омилларнинг олдини олади. Шу билан бирга, саримсоқдаги моддалар ошқозон ярасини келтириб чиқарувчи бактерияларни йўқ қилади. Танадаги турли паразитлар, дифтерия, сил таъқчаларини ўлдиради. Уни шундайлигича ёки майдалаб тановул қилсангиз, юқорида санаб ўтилган турли хавфларнинг табиий равишда олдини оласиз.

### Пиёз

Пиёз истеъмол қилганингиздан сўнг ундаги фитонцид моддаси бир сония ичида организмдаги кўплаб бактерия ва замбуруғларни нобуд қилади. Шунингдек, пиёз овқат ҳазм қилишга ва озик моддаларнинг танага сингишига, ҳатто иштаҳани яхшилашга ёрдам беради. Пиёзда мавжуд бўлган олтингугурт ҳам зарарли моддаларга қарши курашиб, уларни йўқ қилади. Пиёзни одатда шундайлигича ёки турли салатга қўшиб истеъмол қилса бўлади.

### Олма

Олма таркибидаги витаминлар овқат ҳазм қилиш тизимини тартибга келтириб, танадаги заҳарли моддаларнинг чиқиб кетишига ёрдам беради. Бу мева иштаҳани яхшилайди, ошқозон шираси ажралишига ёрдам беради ва қабзиятдан халос қилади. Шунингдек, олмадаги микроэлементлар грип вирусини, дивентерия, стафилококк қўзғатувчиларини йўқ қилади.

Аслида олмани бутунлигича истеъмол қилиш мақсадга мувофиқ. Гудакларга шарбат ёки қирилган бўтқа шаклида бериш мумкин.

### Интернет хабарлари асосида тайёрланди





## Кенгайтирилган таркиб

Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи Самвел Бабаян Жаҳон ва Осие чемпионатлари қўшма саралаш босқичи доирасидаги Яман ҳамда Филиппин терма жамоаларига қарши бўладиган ўйинлар учун 30 футболчида иборат кенгайтирилган таркибни эълон қилди.


Миллий терма жамоа сафида 83 та ўйин ўтказган Александр Гейнрихнинг мамлакатнинг асосий жамоаси сафига яна қаққурув олгани эътиборга молик. Шу билан бирга, Тошкентнинг "Локомотив" клуби ҳужумчиси Темуражжа Абдухолиқовнинг ҳам таркибга жалб этилгани ҳужум чизиғидаги рақобатни кучайтиришга хизмат қилади.

Самвел Бабаян терма жамоага бош мураббий қилиб тайинланганидан кейин ташкил этилган жорий йилнинг июль ойидаги йиғиндан фарқли ўлароқ, бу сафар таркибга хорижда фаолият олиб бораётган футболчилар ҳам жалб этилган. Шунингдек, аввалги йиғинда иштирок этмаган футболчилардан Игнатий Нестеров, Шавкат Муллажонов ва Санжар Шоаҳмедов ҳам ушбу рўйхатдан ўрин олган.

Икки муҳим ўйин олдидадан ўтказиладиган йиғинга қаққурилганлар орасида миллий терма жамоа таркибидан энг кўп майдонга тушган футболчи Сервер Жепаровдир. У шу кунга қадар терма жамоамиз сафида 107 бор майдонга тушиб, 23 марта рақиб дарвозасини ишғол қилган. Миллий терма жамоадаги ўйинлари сони бўйича иккинчи ўринни Игнатий Нестеров эгаллаб турибди.

Шунингдек, кенгайтирилган таркибдан ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида қатнашган Одилжон Ҳамробеков, Жавоҳир Соҳибов ҳамда Элдор Шомуродов каби ёш футболчилар ҳам ўрин олишган.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон миллий терма жамоаси Жаҳон ва Осие чемпионатининг қўшма саралаш босқичи доирасида 3 сентябрь кун Тошкентда Яман терма жамоасини қабул қилади. 8 сентябрь санасида эса Самвел Бабаян шогирдлари сафарда Филиппин терма жамоасига қарши майдонга чиқади. Маъмур ўйинларга тайёргарлик 27 августдан бошланади.



## Де Хеа ўз агентидан товон пули олади, агар...

Англиянинг "Манчестер Юнайтед" клуби дарвозабони Давид Де Хеа ёзги трансфер вақтида Испаниянинг "Реал Мадрид" клуби таркибига ўтишни истамоқда.

El Confidencial берган маълумотга кўра, дарвозабон ёзги трансферлар ойнаси ёпилгунига қадар "Реал Мадрид" клуби сафига ўта олмаसा, ўз агенти Жорже Мендеш билан шартнома ни бекор қилади.

Манба берган маълумотларга кўра, 3 йил олдин Де Хеа ва Мендеш дарвозабоннинг "Реал Мадрид" клуби таркибига ўтишни назарда тутувчи шартнома тузганди. Унга кўра, маъмур трансфер амалга ошмай қолган тақдирда 24 ёшли дарвозабон 5 млн. евро миқдордаги товон пули олиши белгилаб қўйилган.

Аввалроқ "Реал Мадрид" клуби Де Хеа учун талаб қилинаётган 40 млн. евро тўлашни истамаслиги ҳамда дарвозабонни кейинги мавсумда эркин агент сифатида олишни маъқул кўраётгани хабар қилинган эди.

## «Челси» шифокори мураббийни судга бериши мумкин

Англиянинг "Челси" клуби шифокори Ева Карнейро жамоа бош мураббийи Жозе Моуриньога нисбатан судга бериш масаласини кўриб чиқмоқчи. Бундан ташқари, 35 ёшли шифокор аёл Моуриньо омма олами ундан кечирим сўрашини истамоқда.

Хабарингиз бор, Моуриньонинг талабига кўра Карнейро жамоада ишлашдан четлатилган. Португалиялик мутахассис шифокорнинг биринчи турдан ўрин олган "Суонси" клубига қарши ўйиндаги ҳаракатларидан норози бўлган.

Клуб ҳўжайини Роман Абрамович Моуриньо клуб ходимини ОАВ орқали танқид қилганидан дарғазаб. Аввалроқ, Англия премьер-лигаси футбол шифокорлари "Челси" клуби ходимасининг ёнини олиб чиққанди.



## «Барселона» тарбияланувчиси «Астон Вилла»да

Испаниянинг "Барселона" клуби ҳўжумчиси Адама Траоре фаолиятини Англиянинг "Астон Вилла" жамоасида давом эттирадиган бўлди.

Бирингемликлар футболчи билан беш йиллик шартнома имзоладилар. 19 ёшли ҳўжумчининг трансфери "Астон Вилла" клуби учун жорий мавсумда ўнинчиси бўлди.

Эслатиб ўтамиз, Траоре ўтган мавсумда асосан "Барселона Б" жамоаси таркибидан майдонга тушган ва 37 та ўйинда 3 та гол киритган. Асосий жамоа сафида эса Испания кубогига икки учрашувда қатнашган.




## Рамос янги шартнома имзолади

Мадридининг "Реал" клуби ҳўжумчиси Серхио Рамос билан янги шартнома имзолаганини расман маълум қилди.

Шартнома муддати 2020 йилга қадар давом этиши кўзда тутилган. Футболчининг айна вақтдаги шартномаси муддати 2017 йилда якунига етиши кутилаётган эди.

Янги шартномага кўра, 29 ёшли футболчи йилга 10 миллион евро маош олиши хабар қилинган эди. Маълумот ўрнида айтиш керакки, Рамос илгари 6 миллион евро маош олган.

Эслатиб ўтамиз, Серхио Рамос 2005 йилда "Севилья" клубидан "Кироллик клуби" сафига келиб қўшилган ва Мадридаги фаолияти давомида 314 ўйинда майдонга тушиб, 40 марта рақиблар дарвозасини ишғол қилган.



## «Ювентус» Искога қизиқмоқда



Италиянинг "Ювентус" клуби Мадридининг "Реал" клуби ярим ҳўжумчиси Исконинг трансфери борасида тақлиф билдириди.

Туриниклар Артуро Видалга ўринбосар изламоқдалар. "Ювентус" клуби раҳбарияти чилилик футболчининг сотуvidан тушган пуллари Иско учун сарфлашмоқчи.

Маълумотларга қараганда, туриниклар келишувга "Реал" клубининг собиқ ҳўжумчиси Альваро Моратани қўшиши ёки Искони ижарага олиши мумкин.


## Ярмоленко Англияга кетмоқчи

Киевнинг "Динамо" клуби ҳўжумчиси Андрей Ярмоленко фаолиятини Англиянинг "Эвертон" клубида давом эттириши мумкин. Бу ҳақида Daily Express нашри хабар бермоқда.

Ҳозирча, Англия клуби 25 ёшли футболчи учун расман тақлиф бермади.

Шунингдек, Англия чемпионатида тўп суришни истаётган ушбу иқтидор эгаси билан "Тоттенхэм" ва "Сток Сити" жамоалари ҳам қизиқмоқда.

Эслатиб ўтамиз, Ярмоленко ўтган мавсумда "Динамо" сафида 26 та ўйин ўтказиб, 14 та гол ва 13 та голли узатмага муаллифлик қилган.



Интернет маълумотлари асосида тайёрланди

**Huquq**  
yuridik gazeta

**Muassis:**  
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

**Bosh muharrir:**  
**Jahongir MAKUMOV**

**Tahrir hay'ati:**  
Hakimboy HALIMOV  
Gulnoza RAHIMOVA  
Baxtiyor NAZAROV  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
Kamoliddin ASQAROV  
(mas'ul kotib)

**Tahririyat manzili:**  
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,  
Faks: 233-10-53,  
233-64-85

E-mail:  
huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.  
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

□ — tijorat materiali.

Nashr ko'rsatkichi  
**231**

Buyurtma s-3710. 43 177 nusxada bostildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: G'ALIMOV  
Sahifalovchi: S.BABAJANOV  
Navbatchi: O'DEHOQNOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.  
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-avgustda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

9 772010 761004